

Вильям
ШЕКСПИР

Драматург

• *Гюрон*


• *Макбет*

• *Курол Мур*

• *Юлий Цезарь*

• *Венецианск савдогар*

• *Жанжалкашнинг тийлиши*



ШЕКСПИР ДРАМАЛАРИ

*МАКБЕТ
ЮЛИЙ ЦЕЗАРЬ
ЖАНЖАЛКАШНИНГ ТИЙИЛИШИ
ВЕНЕЦИЯЛИК САВДОГАР
ҚИРОЛ ЛИР
БЎРОН*

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2012

УДК: 821.512.133-1

КБК: 84(4Ингл)

Ш42

Шекспир драмалари: Макбет. Юлий Цезарь. Жан-жалкашнинг тийилиши. Венециялик савдогар. Қирол Лир. Бўрон / инглиз тилидан таржимон: Фаррух Атаев. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. - 84 б.

ISBN 978-9943-08-932-7

Ҳар бир халқнинг маънавияти ўзга халқлар адабиёти, санъатидан баҳраманд бўлиш орқали қувватланиб боради. Бу борада эса бадиий таржиманинг аҳамияти беқиёсдир.

Шекспирнинг шеърий услубдаги драмаларининг қисқартирилиб, насрий услубда таржима қилиниши қувонарли ҳолат. Ўқувчи насрий баённи ўқир экан, унинг содда ва лўнда эканлигига гувоҳ бўлади. Бу эса қисқа фурсат ичида Шекспир маҳоратидан баҳраманд бўлишига сабабчи бўлади.

Драмаларда тирикликнинг устуни – яхшилик, меҳр-оқибат, ишонч, одамийлик, вафо, муҳаббат эканлиги ўз аксини топган.

УДК: 821.512.133-1

КБК: 84(4Ингл)

Инглиз тилидан Фаррух АТАЕВ таржимаси

ISBN 978-9943-08-932-7

© «Шекспир драмалари».
«Янги аср авлоди», 2012 йил.

СЎЗБОШИ

Ғарб адабиётида, хусусан, инглиз адабиётида мумтоз асарлар моҳиятини очиб кўрсатиш, китобхонни уларга қизиқтириш, қолаверса, ахборот воситалари ривожланаётган ҳозирги шиддатли даврда ўқувчининг қимматли вақтини тежаш мақсадларида мазкур асарларнинг «қаймоғини сидириб», ғоявий-бадий мазмун-моҳияти ва фабуласини мароқли эртак ва ё ҳикоя тарзида мухтасаргина баён қилиш тажрибаси кенг ёйилган. Ўзбек адабиётида буюк мутафаккиримиз Алишер Навоий «Хамса»сидаги дostonларнинг насрий баёнлари бу йўлдаги дастлабки қадам, дейишимиз мумкин.

Жаҳонда машҳур «Macmillian» нашриёти «Эсда сақлаш учун ҳикоялар» туркумларидаги китоблар орқали ўқувчиларни вақт синовидан ўтган машҳур асарлар билан мунтазам таништириб боради. Мазкур китобларда ўша асарлар муаллифининг услуби ва асар фабуласи имкон қадар сақланган ҳолда қисқартирилиб, содалаштирилиб берилади. Улар инглиз тили хорижий тил бўлган ўқувчилар, шунингдек, ўсмир инглиз китобхонлари учун буюк адиблар ижодига ўзига хос қулай муқаддима бўлиб хизмат қилади. Туркумлар икки турга – кичик ва катта туркумларга бўлинган.

Кичик туркумдаги асарлар:

- Гулливернинг саёҳатлари – Жонатан Свифт (96 бет)
- Оливер Твист – Чарльз Диккенс (108 бет)
- Робинзон Крузо – Даниэл Дефо (108 бет)
- Саксон кунда дунё бўйлаб саёҳат – Жюль Верн (128 бет)
- Шекспирдан олти эртак (104 бет)

Гомердан ҳикоялар (96 бет)

Араб кечаларидан гаройиб эртақлар (100 бет)

Том Сойернинг саргузаштлари – Марк Твен (168 бет)

Юнонистондан ажойиб эртақлар (104 бет)

Катта туркумдаги асарлар:

Икки шаҳарнинг эртаги – Чарльз Диккенс (116 бет)

Дэвид Копперфилд – Чарльз Диккенс (132 бет)

Жейн Эйр – Шарлотта Бронте (164 бет)

Фурур ва хурофот – Жэйн Остин (168 бет)

Монте Крестонинг саноғи – Александр Дюма (152 бет)

Уч мушкетёр – Александр Дюма (118 бет)

Шекспирнинг уч фожеаси (144 бет)

Том Жоунс – Генри Филдинг (144 бет)

Манманлик кўрғазмаси – Уильям Теккерей (152 бет)

Булар орасида, жумладан, «Шекспир драмалари» китобчасига киритилган асарлар Э. Ф. Додд томонидан қисқартирилиб, соддалаштирилган. Олтита қизиқарли драмаларнинг баъзилари кулгили, баъзилари қайғули: Антонио ҳаётини хавф остига қўйиб дўстининг ўз севгилисига эришишига ёрдам беради. («Венециялик савдогар») Петручио табиатан жанжалкаш хотинини тийиб олади. («Жанжалкашнинг тийилиши») Бир гуруҳ кишилар сеҳргар Просперонинг оролида ҳикмат ва муҳаббатга эришади. («Бўрон») Олижаноб Брут Юлий Цезарни ўлдириш орқали унинг баднафслиги ва шуҳратпарастлигига чек қўйишга рози бўлади. («Юлий Цезарь») Мағрур қирол қизларидан қайси бири уни чинакамига яхши кўришини жуда кеч англайди. («Қирол Лир») Макбет хотинининг ундови билан қирол Дунканни ўлдириб, ўрнига қирол бўлгандан сўнг уни гуноҳкорлик ҳисси ва виждон азоби таъқиб қилади. («Макбет»)

Ушбу китобча 1953-1984 йиллар мобайнида қарийб эллик маротаба қайта-қайта нашр этилгани, албатта, бежиз эмасдир. Бу буюк Шекспир драмаларининг юксак бадий савияси билан бир қаторда маз-

кур насрий баёнларнинг нақадар оммабоплигини ҳам аён кўрсатиб турибди, дейиш мумкин.

Китобчадан жой олган жами олти шоҳ асарнинг насрий баёнларини бевосита инглиз тилидан таржима қилиб, ўзбек ўқувчиларига ҳавола этар эканмиз, умид қиламизки, улар ўзбек ўқувчиси учун ҳам буюк Шекспир даҳосини англаб етишда ўзига хос тилло очқич вазифасини ўтай олади, қолаверса, туркумлардаги бошқа асарлар билан яқиндан танишиш иштиёқини уйғотади, ва ниҳоят, мумтоз асарлар моҳиятини ихчам шаклларда тушунтириш-шарҳлаш бобида етарли тажрибалар тўплашимизга қўмаклашади.

ТАРЖИМОН

МАКБЕТ

Иштирокчилар:

Дункан – Шотландия қироли.

Малкольм, Дональдбэйн – Дунканнинг ўғиллари.

Макбет, Банко – Қирол армиясининг генераллари.

Макдуф – Шотланд зодағони.

Макбет хоним.

Уч жодугар.

Бундан кўп йиллар аввал Макбет исми Шотланд зодағони бўлган экан. У Гламис лорди, айна вақтда Шотландия қироли Дунканнинг амакиваччаси экан. Макбет қирол армиясининг генерали, жасур ва маҳоратли жангчи бўлиб, мазкур ҳикоя бошланган пайтда у Норвегия қироли ва Шотландиянинг Кавдор лордига қарши жанг қилаётган экан. Ўша жангда Кавдор лорди асирга олиниб, Норвегия қироли таслим бўлишга мажбур қилинган экан. Жангда зафар қозонган Макбет ўз дўсти ва сафдоши Банко билан қирол саройига қайтибди.

Йўлда улар бир ялангликдан ўтишибди. Кун қоронғи ва довулли экан, бехос чақилган чақмоқ ёғдусида кўз олдларида уч ғаройиб қиёфа кўриниш берибди.

– Ким бўлди булар? – ажабланиб сўрабди Банко, – Кўринишлари ғалати. Одам боласига ўхшамайди-ку?!

Ғаройиб жонзотлардан сас-садо чиқмабди.

– Нега жим турибсиз, тилингиз бўлса гапиринг, кимсизлар? – деб сўрабди Макбет улардан.

Банконинг гумони тўғри чиқибди: бу уч ғаройиб жонзот одам боласи эмас, жодугарлар экан. Бу ғалати мавжудотлар келажакни кўра олиш ва ҳали содир бўлмаган воқеаларни олдиндан айтиб бериш қудра-

тига эга экан. Биринчи жодугар Макбетга «Гламис лорди» деб мурожаат қилибди. Иккинчиси «Кавдор лорди» деб атабди. Учинчиси эса, янада ажабланарли гап қилиб, дабдурустдан Макбетга

– Сен Шотландия қироли бўласан – дебди.

Макбет ва Банко ҳайрон бўлиб туришган экан, бир пайт жодугарлар Банкога юзланиб:

– Сенинг ўзинг қирол бўлмасанг ҳам, ўғилларинг қирол бўлишади – дейишибди. Сўнгра, уч жодугар чақмоқ ёғдуси ва момоқалди роқ садолари остида кўздан гойиб бўлишибди.

Банко Макбетга ажабланиб қарабди.

– Биз ростдан ҳам уч сирли кимсани кўрдикми? – деб сўрабди. – Ёки бирор заҳарли илдиз еб, бошимиз гангиб қолдимикан?

– Улар сенинг фарзандларинг қирол бўлади, дейишди-я – маъноли қараб сўрабди Макбет. Банко ҳам маъноли жавоб қайтарибди:

– Сенинг ўзинг қирол бўларкансан!

– Бунинг устига Кавдор лорди ҳам! – дебди Макбет. – Улар шунақа дейишмадими, ахир? Сўнгра истеҳзол кулиб, бошини чайқабди: – Кавдор лорди ҳали тиррик-ку. Умуман, мен қанақасига қирол бўлишим мумкин? Дунканнинг бир эмас, икки ўғли бор, ахир! Жодугарлар бизни лақиллатиб кетишди, шекилли-да!

Улар нима қилишни билмай ҳайрон бўлиб туришган экан, икки суворий ялангликни кесиб ўтиб, ёнларига етиб келишибди. Чопарлар келтирган хабарга кўра, қирол Дункан жанг чоғида кўрсатган қаҳрамонлиги учун Макбетни муносиб тақдирлаб, асирга туширилгач, ўлимга ҳукм этилган ёвуз лорднинг ўрнига уни Кавдор лорди этиб тайинлабди.

Шундай қилиб, биринчи жодугарнинг башорати тўғри чиқибди. Макбет Банкога маъноли қараб:

– Фарзандларинг қирол бўлишидан умидвормисан? Бунинг айнаи ўша менинг Кавдор лорди бўлишимни башорат қилган жодугар айтган эди-я? – дебди.

Банко қаттиқ безовталанибди. У ўша сирли жодугарларни «зулмат кучлари», дея таърифлаб, уларнинг гапларидан даҳшатга тушиб, қўрқиб кетаётганини айтибди. Банко Макбетнинг қинғир йўллар билан қирол бўлишга уриниши, бунда «Ахир, жодугарлар шундай дейишди-ку», қабилидаги хурофий фикрга асосланишдан хавотирланиб қолибди. Охир-оқибат Банконинг хавотири тўғри бўлиб чиқибди. Жодугарлар башорати Макбетнинг онгига ёвузлик уруғини қадаб, келгусидаги барча воқеаларга ўз таъсирини ўтказибди.

Кунлардан бир куни қирол Дункан Макбетга катта илтифот кўрсатиб, унинг қасрига ташриф буюрмоқчилигини маълум қилибди. Макбет бу ташрифга тайёргарлик кўриш учун дарҳол уйига кетишга рухсат сўрабди. Бироқ, саройни тарк этишдан олдин хотини Макбет хонимга мактуб йўллаб, ғаройиб жодугарларнинг биринчи башорати рўёбга чиққанини айтибди.

Макбет хоним жуда шуҳратпараст хотин бўлиб, эридан ҳам шафқатсизроқ экан. У бир зумда «Макбет тезда қирол бўлиши керак, бунга эришишнинг энг қисқа йўли – қирол Дунканни ўлдириш!» деган қарорга келибди. Бу пайтда Дункан уларникига ташриф буюриш учун йўлга чиққан, бу Макбет хонимга тақдир ҳукми бўлиб туюлибди. Айна лаҳзаларда виждонли ва олижаноб Банкони қаттиқ қўрқитган ўша «зулмат кучлари» бу шуҳратпараст аёлга ўз таъсирини аллақачон ўтказиб бошлаган экан.

Макбет келган заҳоти у ўз режасини баён қилибди. Эри қиролни ўта самимий ва дўстона кутиб олиши кераклигини айтибди.

– Кўзингизда, қўлингизда, тилингизда меҳр-у илтифот зуҳур этсин! – дебди у.

– Ўзингизни маъсум гулдек беғубор қилиб кўрсатинг, бироқ бу гул тагида кулча бўлиб ётган илонни зинҳор сездирманг! Шу кеча биз уни ўлдираимиз!

Макбетнинг юрагини шубҳа, гумон, иккиланиш, изтироб туйғулари чулғаб олибди. Безовта кўнглида умид

ва қўрқув ҳислари тўқнашибди. Қанақасига Дунканни ўлдириш мумкин, ахир, у қиролгина эмас, ҳам туғишган амакиваччаси, ҳам меҳмони-ку? Аммо тошбағир хотини ҳеч бир эътирозга ўрин қолдирмабди:

– Сендан бор-йўғи қуюқ илтифот билан дўстона қабул талаб қилинади, холос. Қолганини менга қўйиб беравер!

Қирол ўша кеча айтилган вақтда ташриф буюриб, зиёфатдан сўнг эртарақ уйқуга кетибди. Макбет ғаразли ниётга қарши сўнгги бор исён қилиб, хотинига:

– Кел, шу ерда тўхтайлик! Қирол менга катта марҳамат кўрсатди, мен унга бундай хоинлик қила олмайман, – дебди.

Аммо Макбет хоним пухта режани тузиб бўлган, энди бу режани амалга ошириш йўлидаги ҳар қандай ғовни бартараф қилишга тайёр экан.

– Қўрқоқ! – дебди жаҳл билан у, – Нима, энди, қўрқоқлик қилиб қирол бўлиш имкониятини қўлдан бой берасанми?

– Лекин омадимиз чопмаса... – журъатсизларча эътироз билдирибди Макбет.

– Дадил бўл, ўзингни қўлга ол, ана шунда омадимиз чопади, – дебди-да, Макбет хоним ўз режасини тушунтирибди: у Дунканнинг икки соқчисига обдон май ичиради. Соқчилар ғирт маст бўлиб, ҳушларини йўқотишади. Барчалари донг қотиб ухлаб ётганида иккаласи қиролни ўлдириб, бутун айбни маст-аласт соқчиларга тўнкайдилар!

Ўша тун қасрдаги барча уйқуга кетганида, Макбет хоним қўлида ханжар билан Дунканнинг ётоғига оҳиस्ताгина кириб борибди. У эрининг қўнғилчанлик қилишидан хавотирланиб, қиролни ўзи ўз қўли билан ўлдиришга аҳд қилган экан. Аммо ухлаб ётган қиролга кўз ташлаганида унинг юзидаги нимасидир ўз отасини эслатибди-ю, ўзи ўлдира олмаслигига иқрор бўлибди. Макбетнинг ёнига қайтиб бориб, ханжарни тутқазибди-да, бу ишни эри қилиши кераклигини айтибди.

Бироздан кейин у хотини олдига даг-даг титраган кўйи қайтиб,

– Мен қилдим у ишни! – дея хитоб қилибди. – Аммо сен ҳеч қанақа овоз эшитмадингми мабодо?

Макбет хоним тинчлантиришга ҳарчанд уринмасин, у ўз гапида давом этаверибди: – Кимдир тушида кулди, яна кимдир «Қотиллик!» деб бақирди. Назаримда, кимдир «Уйқуни бас қил! Макбет ухлаётганини ўлдиради» – деб қичқиргандек бўлди.

– Бу нима деганинг? – дебди Макбет хоним кескинлик билан. Макбет эса, қўрқув тўла овозда ўз гапини давом эттирибди:

– Мен сенга айтсам, кимдир «Уйқуни бас қил! Гламис лорди уйқуда ўлдирилди, шунинг учун Кавдор лорди ухламаслиги керак, Макбет ухламаслиги керак! – деб хитоб қилди.

– Сенга шундай туюлгандир! – жаҳли чиқиб дебди Макбет хоним. – Бор, қўлингнинг қонини юв! Ана шунда у эрининг қонга беланган ханжарни ўзи билан олиб келганини пайқаб қолибди. Ие, буни нимага олиб келдинг?! – деб сўрабди. – Ортингга қайтиб, ханжарни ухлаб ётган хизматкорларнинг ёнига қўйиб келишинг керак, токи жиноятни улар қилганига далил бўлсин!

– Йўқ, мен бошқа бормайман! – дея ҳайқирибди Макбет. – Мен қилиб қўйган ишимни ўйлашга ҳам қўрқаяпман! Унинг юзига яна қандай қилиб қарайман?

– Бошлаган ишимизни охирига етказишимиз керак-да энди! – дебди хотини. – Бер бу ёққа ханжарни! Макбет хоним ханжарни олиб, уйқудаги соқчиларнинг ёнига қўйиб келиш учун Дунканнинг хонасига қайтиб кирибди.

Саноқли лаҳзалардан сўнг у қайтиб чиқибди-да, Макбетга қонга беланган қўлларини кўрсатиб дебди:

– Мана, менинг қўлларим ҳам сеникидай қон бўлди, шундан кўнглим ғаш!

Эртаси тонгда қотиллик ошкор бўлганида бутун қаср даҳшат ва саросимага тушиб қолибди. Бу хабар-

ни етказишган заҳоти Макбет тўғри Дунканнинг хонасига кириб борибди-да, ўз қироллари ва хўжайинларини ўлдирганликда айблаган бўлиб ўша икки соқчини қатл қилибди.

Дунканнинг ўлими ҳақидаги хабар зудлик билан унинг икки ўғли Малкольм ва Дональдбэйнга етказибди. Улар хизматкорлар бегуноҳ эканликлари ва жиноятда Макбет айбдорлигини тушуниб, шошилинич равишда Шотландиядан бош олиб чиқиб кетишибди. Макбет бу иккисининг қочиб қолганидан усталик билан фойдаланиб уларни қотилликда айблабди. Шу ишни амалга оширишлари учун улар Дунканнинг соқчиларини сотиб олган, деб даъво қилибди. Макбет Дунканнинг Шотландиядаги энг яқин қариндоши бўлгани учун қонуний ворисга айлангач, дарҳол қирол этиб тайинланибди.

Шундай қилиб, жодугарларнинг иккинчи башорати ҳам рўёбга чиқибди. Аммо Макбет шу билан қаноат ҳосил қилмабди. Жодугарлар Банко қироллар шажарасига ота бўлишини ҳам айтишган эди. Шунинг учун Макбет Банко ва унинг ўғли ўзи учун доимо хавф туғдиради, деб ҳисобларди. Ана шунда у ва Макбет хоним Шотландиянинг мартабали зодагонларига зиёфат уюштиришга келишиб, Банкони ҳам ўз ўғли билан уларнинг қасрида меҳмон бўлишга таклиф қилибди. Сўнг улар зиёфатга келаётганида ўлдириш учун Макбет икки қотилни ёллабди. Қотиллар Банконинг ўзини ўлдиришни уддалабдилар, бироқ ўғли Англияга қочишга муваффақ бўлибди. Натижада, кўп йиллар ўтиб, ундан Шотланд қироллари дунёга келибди. Шундай қилиб, жодугарларнинг учинчи башорати ҳам охир-оқибат рўёбга чиқибди.

Банко ва унинг ўғли келмаганига қарамай зиёфат бошланибди. Қотиллар қайтиб келиб, Макбетга Банко ўлгани ҳақидаги хабарни етказибди. Макбет Банконинг ўғли қочганидан унчалик ташвиш чекмабди. У айниқса Банкони ўзининг энг ашаддий душмани деб

ҳисоблар экан. Сабаби собиқ дўсти жодугарлар билан бўлган воқеанинг ягона гувоҳи эканлигини ва бу ягона гувоҳ ўзидан қаттиқ гумондор эканини яхши билар экан. Энди Банко ўлганидан сўнг, Макбет ўзини анча хавфсиз ҳис қилиб, зиёфатга енгил тортиб кириб борибди.

Базм столига етиб борганида эса, ўзининг жойи бўш эмасдек туюлибди. Унинг ўрнида кимдир ўтиргандек эмиш. Тикилиб қараб, не кўз билан кўрсин-ки, унинг ўрнида Банконинг арвоҳи ўтирганмиш. Ҳеч ким бу арвоҳни кўрмас эмиш. Макбет кўрққанидан бақариб-чақирган экан, меҳмонлар уни касал, деб ўйлашибди. Макбет хоним шу фикрни тасдиқлаган бўлиб, тушунтириш берибди:

– Эрим кўпинча шундай, ёшлигидан сал шунақароқ. Сўнг Макбетни четга тортиб, кўрқоқлиги учун уни аччиқ-тизиқ сўзлар билан уришибди. Шунда арвоҳ йўқолиб, Макбет ўзини қўлга олибди-да, жойига бориб ўтирибди.

– Менга май келтиринг-да, қадаҳимга тўлдириб қуйинг! – деб хитоб қилибди хизматкорига. – Ушбу қадаҳни базмимизнинг умумий шукуҳи учун, шу топда бизни қаттиқ интизор қилиб турган азиз дўстимиз Банко учун ичаман! У қадаҳни баланд кўтарган ҳамано кутилмаганда юзи яна даҳшатдан оқариб кетибди. Чунки Банконинг арвоҳи яна унинг кўз олдида пайдо бўлиб қолган экан. Бу гал Макбет ўзини идора қилолмай, шундай галати алжирай бошлабдики, Макбет хоним меҳмонларни жўнатиб юборишни маъқул кўрибди. Эрининг авзойига қараб туриб Макбет хоним у ўз сирларини фош қилиб қўйишидан қаттиқ хавотирланибди.

Меҳмонлар жўнаб кетишгач, Макбет ўша уч жодугарни яна бир марта кўриш ва уларнинг бошқа маслаҳатлари бор-йўқлигини билишга қарор қилибди. У ўз шуҳратпарастлиги сабаб жуда катта жинойтларга қўл урганди: тўрт одамнинг – Дункан ва унинг икки

хизматкори билан Банконинг қотилига айланган эди. Шунинг учун энди орқага йўл йўқ, деб ўйлабди. Бўлар иш бўлди! Энди у ўз хавфсизлигини таъминлаш учун ҳар қандай одамни ўлдиришга тайёр! Макбет шунга иқрор эканки, ҳар қалай, бир киши унинг жиноятлари ҳақида гумон қилади! Бу ҳам бўлса Макдуф, яъни, Файф лорди! Агар зарурат туғилса, Макдуфни ҳам ўлдириб қутулиш керак бўлади.

Эртаси тонг саҳарда Макбет ўзи ва Банко ўша жодугарларни дастлаб учратган ялангликка равона бўлибди. Бу гал жодугарлар башоратдан ташқари қаттиқ огоҳлантирибдилар. Биринчи огоҳлантиришлариёқ унинг Макдуф ҳақидаги хавотири ўринли эканлигини аён кўрсатибди.

– Сен Файф лорди Макдуфдан эҳтиёт бўлишинг керак! – дейишибди улар. Бироқ кейинги сўзлари Макбетнинг безовта юрагини тинчлантирибди, чунки улар:

– Сен одам боласининг кучидан қўрқмасанг ҳам бўлади. Она тукқан ҳеч бир одам Макбетни маҳв этолмайди – дейишибди.

Улар ўз сўзларини шундай яқунлашибди:

– То улкан Бирнам Ўрмони Дунсинан тепалигига келиб, унга қарши чиқмагунча Макбет ҳеч қачон мағлуб бўлмайди.

Дунсинан қаср бўлиб, у «Бирнам Ўрмони» деб аталувчи қалин ўрмон билан ўралган экан. Шу боисдан жодугарларнинг сўзлари Макбетни анча хотиржам қилибди. Қанақасига дарахтлар идизлари билан кўчиб келиб ҳужум қилишлари мумкин?! Бундан чиқди, жодугарлар унинг ҳеч қачон мағлуб бўлмаслигига ишора қилишган!

Бироқ Макбет ҳар эҳтимолга қарши хавфсизлик чорасини кўришга қарор қилибди. Жодугарлар уни Макдуф ҳақида огоҳлантиришганди, демак, Макдуф ўлиши керак! Шундай экан, у қасрига қайтаётганида Макдуф Англияга кетиб, Дунканнинг ўғли Малкольмга қўшилгани хусусидаги хабарни эшитган пайтдаги

газабини тасаввур қилса бўлади. Ҳазабга минган Макбет шу заҳотиёқ икки қотилни Макдуф хоним ва унинг болаларини қатл қилиш учун Макдуфнинг қасрига жўнатибди.

Шу пайтда Англияда Макдуф ва Малкольм Макбетга қарши жанг қилиш режаларини тузаётган экан. Макдуф ўз оиласи қатл этилгани ҳақидаги шум хабарни эшитган заҳоти зудлик билан қотилдан қасос олишга аҳд қилибди. У Малкольм билан бирга катта қўшинни бошлаб Макбетга қарши ҳужум қилиш учун Шотландияга юриш қилибди. Кўплаб Шотланд зодагонлари Макбетнинг жоҳиллиги ва бешафқатлигидан нафратланишар, шу боисдан Малкольм қўшини Англия чегарасини кесиб ўтиши биланоқ унга қўшилибди.

Макбет кучли ҳимоя қўрғонига эга бўлган Дунсинан қасрига кўчиб ўтиб, бутун қўшинини шу ерга жамлабди. Унинг қаттиқ таҳликага ва тушкунликка тушган вақтлари бошланибди. Сирасини айтганда, Дунканнинг ўлимидан буён у, аслида, бир лаҳза ҳам тинчлик-осойишталик ва ҳузур-ҳаловатни ҳис қилмаган экан. Макбет хонимнинг ҳам ҳаловати йўқолибди. У аввал-бошда эрини жиноят йўлига бошлаган эди. Унинг устидан ўз ҳукмини ўтказиб, ўзининг қатъий иродаси билан эрининг бўшгина иродаси устидан назорат ўрнатиб келган эди. Лекин энди босим жуда кучайиб кетибди. У энди кечалари даҳшатли тушлар кўриб уйғонар, алаҳсираб бутун қаср бўйлаб кезинар, қўлларидаги хаёлий қон доғларини ювишга ҳаракат қилиб галати гаплар гапирар экан. «Барибир, мана доғ! – дея жазавага тушиб бақирар экан. – Ким ўйлабди дейсиз у қари чолнинг ичида шунча қони бор деб?!» Яна у Макдуф хоним ва Банколар ҳақида гапириб, ўзини бахтиқаро ва гуноҳкор, деб ҳис қила бошлабди. Шифокор унинг дардига даво тополмабди. Кўп ўтмай у ғам-ғусса-ю умидсизлик заптида жонига қасд қилибди.

Макбет ўз ҳаёти нақадар бемаъни кечганини англай бошлабди. У қирол бўлганида кўп нарсаларга эга

бўлишни умид қилган эди. Лекин, аслида, у ҳеч нарсага эга бўлолмабди, аксинча, борини йўқотибди: дўстларини, виждонини, қўшиннинг ишончини, умр йўлдошини...

– Мен узоқ яшадим! – дея маҳзун хаёлларга борибди у. – Одам боласига қариган чоғида содиқ ҳамроҳ бўладиган обрў, муҳаббат, итоат, садоқатли қўшин, яхши дўстлар – буларнинг барчасига эга бўлишга энди умид қила олмайман. Аксинча, ҳамманинг нафрати-ю қарғишига қолдим!

Бироқ Малкольмнинг қўшини яқинлашгани ҳақидаги хабар келибди-ю, Макбет ўзини қўлга олибди. Бор кучини йиғишга ҳаракат қилибди.

– Мен ҳаммага қарши курашаман! – дея хитоб қилибди. – То Бирнам Ўрмони Дунсинанга келмагунча мен ўлимдан қўрқмайман!

У душман билан тўқнашувга отланиб, энди қасрдан чиқаман, деб турганида, шиғовул антиқа бир хабар олиб келибди:

– Тепаликни кузатганимда, – дебди шиғовул, Бирнам томонга қараган эдим, ўрмон ўрнидан силжиб, биз тарафга келаётганини кўрдим.

– Сен ёлғончисан! – дея қичқирибди Макбет даҳшатга тушиб. – Бундай бўлиши мумкин эмас!

Лекин, аслида, бу рост экан. Малкольм ўз жангчиларига Бирнам Ўрмонидаги баъзи дарахтларни кесиб, сербарг шохларни олдиларида кўтариб юришни буюрибди. Шунда уларнинг келаётгани сезилмайди ва қўшиндаги жангчилар сонини билиб бўлмайди.

Жодугарлар «Бирнам Ўрмони Дунсинанга келмагунча қўрқма, деб айтган эдилар. Наҳот энди ўрмон ростдан ҳам қаср томон ҳаракатланаётган бўлса?! Макбет ўша уч ёвуз жодугар ўзларининг ёлғон башоратлари билан уни қутқуга солиб, алдаб-лақиллатганини англай бошлабди. Бироқ ҳали яна бир башорат қолган эди: «Она туққан ҳеч бир одам Макбетни маҳв этолмайди». Бу аниқ. Бунда ҳеч бир ёлғон бўлиши мумкин эмас!

Шундай қилиб, аслида, жангчи сифатида ҳамиша жасур-журъатли бўлган Макбет душманга қарши туриш учун қасрдан чиқибди. У катта жасорат билан жанг қилибди. Бунда жодугарлар башоратига бўлган ишончи унга далда бўлибди.

Душман қўшинини бошқараётган Макдуф Макбетга қарши жанг қилиб, уни ўлдиришга, шу билан хотини ва фарзандларининг қасосини олишга аҳд қилган экан. Душманига кўзи тушган заҳоти, унга ҳамла қилиб:

– Бу ёққа қара, Макбет, бу ёққа қара! – деб қичқирибди. Макбет эса, Макдуф хоним ва унинг болаларини маҳв этганини эслаб, унга:

– Ортингга қайт, Макдуф! Мен шундоқ ҳам сенинг оилангни қириб битираёздим! – деб қичқирибди. Бироқ Макдуф ҳужумини давом эттираверибди. Улар қаттиқ жанг қилишибди.

Охири Макбет: – Сен кучингни беҳуда кетказяпсан, Макдуф! Менинг сеҳрли жоним бор! Ҳеч бир оддий туғилган одам боласи бу жонимни ололмайди! – дебди.

– Сен ўша сеҳрдан умидингни узавер! – дебди Макдуф. – Мен оддий туғилган эмасман. Мени онам қорнини ёриб, жарроҳлик йўли билан олишган!

Шунда Макбет жодугарлар уни бошдан то охир алдаб-лақиллатиб, жоду қилганини англаб етибди. У жодугарларни бўралатиб сўккан кўйи умидини ҳам, жасоратини ҳам буткул йўқотибди.

– Мен сен билан жанг қилмайман! – дебди у Макдуфга қараб.

– Бўлмаса таслим бўл, қўрқоқ! – истехзо билан хитоб қилибди Макдуф, – Токи биз сени барчага кўз-кўз қилиб, сенинг қанчалар ёвуз ва бешафқатлигингни айтайлик!

Бу сўзлардан кейин Макбет ўзидаги жасоратни қайта тиклаб, бақирибди:

– Ёш Малкольмнинг оёқлари остидаги тупроқни ўпиш ва оддий одамларнинг қарғишига қолиш учун

таслим бўлмайман мен! Қани кел, Макдуф, ким биринчи бўлиб «Бас, етар!» деб қичқирса, ўшанга ланатлар бўлсин!

Шундан кейинги олишувда Макбет ўлдирилиб, унинг бахтсиз умри ўз поёнига етибди. Малкольм Шотландия Қироли этиб сайланибди. Макдуф эса қиролга садоқатли хизмати учун Файф Графи этиб тайинланибди.

ЮЛИЙ ЦЕЗАРЬ

Иштирокчилар:

Юлий Цезарь.

Октавий Цезарь, Марк Антоний – Цезарга садоқатли кишилар.

Брут, Кассий, Каска, Деций – Цезарнинг ўлимини режалаштирганлар.

Кальпурния – Цезарнинг хотини.

Икки минг йил илгари Римда буюк жангчи ва йўлбошчи Юлий Цезарь яшаган экан. У бутун Европада жаҳонгир сифатида машҳур бўлибди. Римга қайтганида у халқ томонидан миллий қаҳрамон сифатида ардоқланибди.

Аммо шундай бир тоифа римликлар бор эканки, уларнинг кўпчилиги Цезарнинг дўстлари ва сафдошлари бўлиб, Цезарнинг ортиб бораётган шуҳратидан хавотирга тушиб қолибди. Улар Цезарни жуда ҳам шуҳратпараст, у давлат ишларида мутлақ ҳокимиятни қўлга киритиш учун Рим халқининг қироли бўлишга интиляпти, деб ҳадиксирабди.

Ўша даврда Римда Брут исмли киши яшаган экан. Брут жуда юксак ва олижаноб маънавиятга эга бўлиб, Рим манфаати учун нимаики яхши бўлса, шунини қилиш азмида экан. Цезарь энг яқин дўсти экан-у, аммо Брут ҳам унинг ортиб бораётган шуҳратпарастлигидан хавотирда экан. Цезарнинг шуҳратпарастлиги шу даражада кучайиб кетибдики, у ўзини ҳатто одамлар орасидаги худо, деб тасаввур қила бошлабди. Бу Брутни қаттиқ безовта қилибди.

Бир куни Брут кўчада қариндоши Кассийни учратиб қолибди. Юлий Цезарь бироз аввал Миллий Ўйин-

ларни томоша қилишга жўнаб кетган бўлиб, у ерда минглаб одамлар тўпланган экан. Кассий Цезарга ўша ерда салтанат тожи таклиф қилиниши мумкин, деган тахминда экан. Улар олисда янграётган Рим халқининг хитоб-у олқишларини эшитишибди. Брут ҳам айни шу хавотирли тахминга борибди.

– Бу хитоб-у олқишлар нимани англатади? – сўрабди у безовта бўлиб.

– Халқ Цезарни ўзларига қирол қилиб сайлайдими деб кўрқаман. Сен-чи, кўрқмайсанми? – сўрабди Кассий. – Кўрққанингда, ўйлайманки, сен буни шундай қўйиб қўймасдинг?

– Қўйиб қўймайман ҳам, Кассий, – дебди Брут оғир тин олиб. – Бироқ мен уни жуда яхши кўраман-да.

Аслида, Кассий Цезарнинг қирол бўлишига қаршилик қилаётган Рим Партиясининг аъзоси бўлиб, шериклари уни Брутнинг олдига ўзларига қўшилишга ва уларнинг раҳнамоси бўлишга кўндириш учун жўнатишган экан. Цезарнинг яқин дўсти бўлмиш Брут, айни чоғда, жасур жангчи ва таниқли шахс экан. Уни Рим халқи жуда ҳурмат қилар, ҳар қандай мавқеси пастроқ одамга нисбатан халқ уни ўзига раҳнамо қилиб сайлаш эҳтимоли бор экан.

Шундай қилиб, Кассий Брутнинг онгини Цезарга қарши заҳарлай бошлабди.

– Нега ўзини бу қадар буюк деб ҳисоблайди у? – хитоб қилибди Кассий. – Мен ҳам Цезардек озод тутилганман. Сен ҳам. Икковимиз ҳам у каби овқат еймиз. Биз ҳам унга ўхшаб қишнинг совуғига чидамлимиз. Лекин бу одам энди худо бўлиб қолди. Кассий гўё ночор-нотавон жонзот, шунинг учун Цезарь унга нописанд қараганида у Цезарга икки букилиб таъзим қилиши керак.

Олисдан яна шовқин эшитилибди. Кассий Брутнинг безовталанган авзойига қараб сўзида давом этибди:

– Брут ва Цезарь: нима бор шу «Цезарь»да? Нимага унинг номи сенинг номингдан улуғроқ бўлиши керак?

Барча худолар ҳаққи, менга айт-чи, Цезарь нима еб-ичадики, бу қадар буюклашиб кетди?

У Брутнинг жавобини бироз кутиб турибди.

– Мен бу ҳақда кўп ўйладим, – оҳиста дебди Брут. – Сенинг гапларингни ҳам ўйлаб кўраман. Ҳозир эса, жим бўл, Цезарь келаяпти!

Иккови сукут сақлаб турганларида Юлий Цезарь уларнинг ёнидан ўтиб кетибди. Улар Цезарнинг жаҳли чиқиб, ранги бўзариб кетганини пайқашибди. У кетганидан кейин ёнларига келган Кассий мансуб Партиянинг яна бир аъзоси Каскадан Цезарнинг нима сабабдан жаҳли чиққанини сўрашибди. Ўйинларни томоша қилган Каска бўлган воқеани сўзлаб берибди. Ўйинларда иштирок этган машҳур жангчи Марк Антоний Цезарга тожни уч маротаба таклиф қилибди. Учаласида ҳам Цезарь тожни қабул қилиб олишдан бош тортди. Лекин унинг қаршилиги тобора сустлаша борибди.

– Одамлар нимага бақиршаётган эди? – сўрабди Брут. Касканинг тушунтиришича, улар тожни рад қилгани учун Цезарни олқишлаётган экан. Бу эса, у буюк одамнинг газабини кўзгабди. Агар Цезарга тожтахт яна бир бор таклиф қилинганида, у қабул қилишига Касканинг ишончи комил экан.

Брут қаттиқ безовта бўлган ҳолда уйига жўнабди. Тунни таҳликада уйқусиз ўтказибди. Нима қилиш кераклиги ҳақида узоқ бош қотирибди. Қандай қилиб Цезарнинг кибр-ҳавосини босиб қўйиш мумкин? Қай йўллар билан улар Римни Цезарь табиатидаги шухрат-парастлик балосидан қутқариш мумкин? «Цезарнинг ўлимигина қутқаради! – ниҳоят, шундай мудҳиш хулосага келибди. – Цезарь ҳокимиятни тўла равишда қўлга киритгач, ўзини қандай тутишини биз ҳеч қачон ишонч билан олдиндан айта олмаймиз».

Кассий, Каска, Деций ва Партиянинг бошқа аъзолари Брутнинг уйига тун ярмида яширинча йиғилишибди. Улар биргаликда ўз режаларини тузишибди:

Цезарь эртаси куни халқ олдида нутқ сўзламоқчи бўлиб турганида Шаҳар Саройи (Капитолий)да ўлдирилиши керак! Шу аснода унинг ёлғиз ўзи ўлдирилиши керакми, ё Марк Антонийдек тарафдорлари ҳам ўлдирилиши керакми, деган савол туғилибди.

– Менимча, Цезарнинг суюклиси Марк Антоний ундан кўпроқ яшаши тўғри эмас! – дебди Кассий. – Биз устомон ва хавфли душманни унга қарши қўямиз.

Аммо олижаноб Брут бунга изн бермабди.

– Антоний бор-йўғи Цезарнинг қўли, – дебди у. – Цезарнинг калласи олинганида қўл ҳеч нарса қилолмайди. – У бош тебратган кўйи ўта жиддийлик билан қўшиб қўйибди. – Биз Цезарнинг ўзини эмас, шуҳрат-парастлигини ўлдира олсак эди! Афсуски, бунинг иложи йўқ-да! Демакки, Цезарь ўлиши керак! Аммо, дўстлар, келинг, уни ғазаб билан эмас, мардона ўлдирайлик! Қўнғлимизда аламзадалиқ бўлмаслиги керак!

Шундай қилиб, фақат Цезарь ўлиши керак, деган қарорга келишибди. Режаларининг тафсилотларини аниқлаштириб олишгач, улар тонг оттиргани ўз уйларига жўнаб кетишибди.

Эртаси куни ҳаво булут бўлибди. Туни билан чақмоқ чақиб, момоқалди роқ гумбурабди. Даҳшатли довул туриб, замин титрабди. Юлий Цезарь уйқудан беҳузур-беҳаловат алфозда уйғонганида хотини Кальпурния ундан шу тонг Капитолийга бормаслигини ўтиниб сўрабди. У жуда даҳшатли туш кўргани, тушида бозордаги Цезарнинг ҳайкалидан қон тирқираб оқаётгани, римликлар ҳайкал қошига кулибгина келиб, қўлларини қонда юваётганларини айтибди.

– Цезарь, мен одатда ирим-сиримларга ишонмайман, лекин, кечаси Римда жуда қўрқинчли ва ғаройиб воқеалар юз берди. Кимдир бозорда шерни кўрибди, қабрлар очилиб, ундан ўликлар чиқиб келибди. Ҳавода уруш садолари янграб, одамлар ҳайқириқлари-ю отларнинг кишнашлари эшитилибди. О, Цезарь! Бу нарсалар ҳеч ақлга сиғмайди. Шунинг учун мен

чиндан ҳам жуда қўрқаяпман. Булар огоҳлантириш эканлигига аминман: сенга бир бало бўлади!

Цезарь:

– Нега энди айнан менга бир бало бўлиши керак? – деб сўраб, хотинини тинчлантиришга ҳаракат қилибди. Агар ўша ғалати воқеалар чиндан ҳам огоҳлантириш бўлса, фақат унга эмас, балки умуман бутун оламга огоҳлантириш бўлиши ҳақиқатга яқинроқ, – дебди.

Аммо Кальпурния тинчланмабди.

– Оддий одамлар ўлганида осмонда янги юлдузлар пайдо бўлмайди, – у ўз фикрида қатъий туриб олибди. – Лекин, қироллар ўлганида осмон дафъатан ёришиб кетар экан.

Ниҳоят, у Цезарни уйда қолишга кўндирибди. Аммо Кассий шундай бўлишини олдиндан сезиб, Цезарни Капитолийга олиб келиш учун Децийни жўнатган экан. Деций Кальпурниянинг туши ҳақида эшитгач, унинг ваҳимаси устидан кулибди.

– Ие, – дебди у. – Сен тушни бутунлай нотўғри таъбир қилибсан-ку. Римликлар юзларида табассум билан ўз қўлларини юваётган ўша Цезарнинг ҳайкалидан оққан қон, аслида, буюк Рим Цезарнинг янги қонидан (яъни янги ғояларидан) баҳраманд бўлишини англатади. – У ишонч билан Цезарга ўтирилибди. – Бунинг маъноси шуки, одамлар сенинг ҳукмронлигинг даврида янги юксакликка эришади.

– Сен тушни жуда зўр таъбир қилдинг – дебди Цезарь.

Деций ўз сўзида давом этибди:

– Эшитишимча, одамлар шу бутун Цезарга тож кийдиришга қарор қилишган. Агар сен уларга боролмайман деб хабар жўнатсанг, уларнинг фикри ўзгариб қолиши мумкин. Қолаверса, улар сени мазах қилиб, «Цезарнинг хотини яхшироқ тушлар кўришини кутишимиз керакми энди?» дейишмайдими! Агар Цезарь яшириниб ўтирса, улар «Ана, Цезарь қўрқаяпти!» – дейишади-ку.

Деций мағрур Цезарнинг ожиз жойини жуда яхши билар эди! Рим халқининг йўлбошчиси ўзини қўрқоқ дейишларига чидаёлмасди. У хотинига ўтирилиб,

– Ҳозир сенинг ваҳималаринг менга жуда бемаъни туюляпти, Кальпурния. Уларга ишонганимдан уялиб кетяпман, – дебди.

Шундан сўнг у ўртукка ўраниб, Деций билан Капитолийга жўнаб кетибди.

Цезарь Капитолийда ўзини душманлари қуршаб олганини билмас эди. Улар биридан кейин бири қандайдир баҳоналар билан гаплашиш учун ёнига келибди. Кассий ва Брут, Деций, Каска ва бошқалар унинг атрофига тўпланишибди. Шунда, ишора бўлгач, Каска қиличини қинидан чиқариб,

– Мен учун, қўлларим, сўзланг! – дея уни Цезарнинг орқасига санчибди. Бошқалар ҳам унга қўшилибдилар. Сўнгги қилични Брут санчибди.

Цезарь энг яқин дўсти ҳам унга душманлигини кўриб,

– Сен ҳамми, Брут?! У ҳолда, ўл, Цезарь! – деб хитоб қилибди. Шундай деб у ерга йиқилиб жон таслим қилибди.

Цезарга қилинган суиқасд бутун Рим халқини қаттиқ ҳайратга солиб, одамлар қўрқув ва саросимага тушиб қолишибди. Улар Циннанинг «Озодлик! Эркинлик! Цезарь ҳалок бўлди!» деб бақирини эшитиб, Цинна ва бошқалар қўлларини Цезарнинг қонига ботиришларини донг қотиб кузатишибди. Қўрқувдан эслари огаёзибди. Бу мудҳиш манзарадан чувиллашганча шоша-пиша бир-бирларини топтаб қоча бошлашибди. Ана шунда Брутни раҳнамо қилиб танлаган Кассийнинг донолиги ўзини кўрсатибди. Рим халқининг қаҳрамони бўлган Брут уларнинг безовта қўнғилларини тинчлантирибди. У «Қўрқманлар, қочманлар, жойингизда қолинг! Шуҳратпарастлик ўз ҳаққини олди! Биз ҳеч бир римликка ёмонликни раво кўрмаймиз!» деб хитоб қилибди.

Шунда қўрқиб қочаётган одамлар бирдан тўхтаб, унга қулоқ сола бошлашибди. Брут бор гапни бозор худудида тушунтириб беришини айтганида улар жимгина бозорга бориб кутишибди.

Шу орада Цезарга содиқлигича қолган Марк Антоний Капитолийга келибди. У Брутга аччиқ гаплар қилиб, яна бирор одамни ўлдириш нияти бор-йўқлигини сўрабди.

– Агар мени бўлса, айна вақти, мени ҳам Цезарга қўшиб ўлдиришинг мумкин! Ўлдир мени! – деб хитоб қилибди.

– О, Антоний, биздан ўлимингни тилама, – дебди Брут мулойимлик билан. Сўнг Цезарни унинг кибр-ҳавоси ва шуҳратпарастлиги боис Рим манфаати йўлида ўлдирганликларини тушунтирибди. – Биз сени акалик меҳри билан яхши кўрамиз, Марк Антоний. Фақат сен саросимага тушган одамларни тинчлантиргунимизга қадар сабр қил. Ана ўшанда мен, ҳатто Цезарга қилич санчган пайтимда ҳам уни яхши кўрган одам сифатида сенга нима учун бу ишни қилганимни тушунтириб бераман.

– Мен ҳам Цезарни яхши кўрардим, – оҳиста дебди Марк Антоний. – Майли, сен нима демоқчилигингни билиш учун сабр билан кутаман. Цезарь нимага ва қанақасига хавф туғдирганини айтганингдан кейин ҳам биз дўст бўлиб қоламиз деб умид қиламан.

Бироқ Марк Антоний Цезарнинг жасадини бозор худудига ўзи олиб боришга ва Рим халқига таъзия нутқи айтишга рухсат сўрабди. Брут бунга рози бўлибди. Брут ва дўстлари Антонийни жасад ёнида ёлғиз қолдиришибди.

Антоний ўлиб ётган Цезарь ёнида тиз чўкиб,

– О! Қони оқаётган бир ҳовуч тупроқ, бу қотилларга нисбатан юмшоқ ва кўнгилчан бўлганим учун мени кечир! – дебди у аччиқ алам билан. – Сен шу пайтга қадар яшаган энг олижаноб инсонсан! Сўзида давом этиб, Цезарнинг ўлими учун қасос олиш ва

унинг душманларига ҳеч раҳм-шафқат қилмасликка онт ичибди. Сўнгра бир хизматкорни ёрдамга чақириб, у билан жасадни бозор томон оҳиста олиб кетишибди.

Айни чоғда Брут ваҳимага тушган одамларга қарата нутқ сўзлашга чоғланиб турган экан.

– Қани, тинчланинг, Брутни эшитайлик! – деб бақиришибди улар. Брут:

– Гапларимни охиригача сабр-тоқат билан эшитинг! – дея ўз нутқини бошлабди. – Римликлар, юртдошларим, дўстларим! – дебди у. – Агар шу ерда Цезарнинг энг қадрдон дўсти бўлса, ўшанга қарата айтаманки, Брутнинг Цезарга бўлган меҳри уникидан зинҳор кам эмас эди. Агар ўша дўст «Нимага Брут Цезарга қарши бош кўтарди?» деб сўраса, менинг жавобим қуйидагича: мен Цезарни камроқ яхши кўрганим учун эмас, Римни кўпроқ яхши кўрганим учун шу ишни қилдим. Сизга Цезарь тирик қолиб, ўзингиз қулликда ўлиб кетганингиз яхшими, ёки Цезарь ўлиб, сизнинг эркин яшаганингизми? Цезарь мени яхши кўргани учун мен унга кўз ёшимни тўкаман. Унга омад кулиб боққанидан мен хурсанд бўламан. У мард эди, унинг мардлигини шарафлайман. Аммо у ўта шуҳратпараст эди! Айнан шунинг учун мен уни ўлдирдим! Мен сўзимни қуйидагича якунламоқчиман: мен қадрдон дўстимни Римнинг порлоқ келажагини кўзлаб ўлдирдим. Аммо ўша қилични юртим менинг ўлимимни керак қилиб қолган пайтгача сақлаб қўяман.

Брут шундай самимий гапирибдики, одамлар қаттиқ таъсирланиб, унга қойил қолиб тасанно айтишибди. Одамлар унинг юксак ғояларини англаб етмаган бўлса бордир, лекин улар Брутнинг мард инсон эканлигига қойил қолишиб, уни чин дилдан қутлашибди. «Яша, Брут, яша! Келинг, биз уни ўз уйига мадҳия ва олқишлар билан кузатиб қўяйлик!»

Шундан сўнг улар дафъатан нафаслари ичига тушиб, Марк Антоний Цезарнинг қонга беланган жаса-

дини бозор майдонига оҳиста олиб келаётганини донг қотиб кузатиб туришибди. Брут одамларнинг Антоний билан бирга қолиб, унинг таъзия нутқига қулоқ тутишларини сўрабди. Одамлар Антонийнинг ўз дўсти ўлиmidан қанчалик изтироб чекаётганидан таъсирланиб, унинг гапларига жимгина қулоқ тутишибди.

– Дўстлар, римликлар, юртдошларим, мени тингланг, – деб оҳиста гап бошлабди Марк Антоний. – Мен Цезарни мақташ учун эмас, кўмиш учун келдим. Одамлар содир қилган ёвузликлар улардан кейин ҳам яшайверади. Лекин яхшилик одатда уларнинг суякларини билан бирга ерга кўмилади. Цезарнинг тақдири ҳам худди шундай. – У тин олиб, Рим халқига гамгин кўз ташлабди-да, ўз сўзида давом этибди. – Олижаноб Брут сизларга Цезарни шуҳратпараст деб айтди. Агар шундай бўлса, бу жуда мудҳиш иллат бўлиб, Цезарь бунинг учун даҳшатли ўлпон тўлади. Мен Брутнинг рухсати билан Цезарнинг таъзиясида нутқ сўзлагани келдим. Цезарь дўстим эди. Менга садоқатли эди. Аммо Брут уни шуҳратпараст деб айтди. Брут мартабали инсон. Цезарь ҳамиша фақирларга меҳрибон ва саҳий эди. У доимо муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатарди. Шубҳасиз, шуҳратпарастлик қаҳри қаттиқликка асосланади. Кеча Ўйинлар пайтида мен Цезарга қирол тожини таклиф қилганимни ва у уч мартаба рад қилганини ҳаммангиз кўрдингиз. Шу иш шуҳратпарастликданми? Шунга қарамасдан, Брут уни шуҳратпараст деди. Брут юқори мартабали инсон!

Унинг сўзларидан таъсирланган римликлар энди Брутга қарши чиқа бошлашибди.

– Антонийнинг гапларида жон бор, – дебди улар бир-бирларига. – Цезарга нисбатан катта ноҳақлик бўлди. Эсингиздами, у тожни қабул қилмаган эди! Демак, унинг шуҳратпараст эмаслиги аниқ-ку.

Антоний ўз сўзини давом эттириб, нутқи уларнинг кўнгилларида нафрат ва ғазаб уйғотиши мумкинли-

гини таъкидлабди. Лекин ўзини бундай қилишни истамаётгандек кўрсатибди.

– Чунки мен қиличлари билан Цезарни ўлдирган мартабали кишиларга нисбатан ноҳақлик қила олмайман, – дебди. Одамлар энди бутунлай унинг тарафига ўтиб,

– Мартабали кишилар?! Улар ярамас қотиллар-ку! – деб хитоб қилишибди.

– Агар сизнинг кўз ёшларингиз бўлса, уларни ҳозир тўкишга шайланинг! – дебди яна Антоний. – У одамларга Цезарнинг дўстларим деб ишониб юрган кишилар қўлидаги қиличлардан илма-тешик бўлиб кетган ўртукини кўрсатибди. – Ҳасадгўй Касканинг қиличи ҳосил қилган мана бу тешикка қаранг, – деб хитоб қилибди Антоний. – Мана бунисини эса, суюкли дўсти Брутнинг зарбаси ҳосил қилган. Бу жароҳат ҳаммасидан ҳам оғирроқ. Сизлар Цезарь уни қанчалик ардоқлашини яхши билардингиз. Брутнинг хоин эканини билганида унинг буюк юраги парча-парча бўлди.

Одамлар:

– О, олижаноб Цезарь! О, нақадар қонли фожеа! Биз қасос оламиз! – деб хитоб қилишибди.

Улар бақариб-чақаришган қўйи бозор майдонидан шиддат билан чиқиб, Цезарнинг қотилларини қидира кетишибди. Бундан Марк Антоний жуда мамнун бўлибди. Чунки у тузган режанинг биринчи қисми амалга ошган эди.

У уйга қайтмоқчи бўлиб турганида хизматкор хушxabар келтирибди. Брут ва унинг дўстлари одамлар газабидан қўрқиб шошилиш равишда шаҳардан бош олиб чиқиб кетишибди. Цезарга содиқ қўмондон Октавий Цезарь Антонийнинг буйруғига биноан ўз қўшини билан Римга етиб келибди. Антоний дарҳол унинг олдига жанг режасини тузгани жўнабди.

Брут билан Кассий Италиядан чиқиб, Юнонистонга кетишибди. Бирор йилдан сўнг улар ўз қўшини билан Сард деган жойда қўним топишибди. Антоний ва Ок-

тавий эса, ўз қўшини билан бир неча мил олисдаги Филиппи шаҳарчаси ёнида жойлашибди.

Ўша йил мобайнида Брут ўзини жуда бахтсиз ҳис қилиб, қаттиқ изтироб чекибди. Бутун Партияси аъзоларидан фақат у Цезарни ҳақиқий ватанпарварлик ҳисси билан ўлдиргандек туюлибди ўзига. Қолганлар эса, ҳаттоки қариндоши Кассий ҳам ўзаро талашиб-тортишишар, пора олишар ва янги Ҳукуматда юқори лавозимларни эгаллашга ҳаракат қилишар экан. Сардалигида бир кун тунда Брут севикли хотинининг ўлими хабарини эшитиб изтироби баттар кучайибди. У Кассий билан айтишиб қолибди: Кассий Брутнинг ўзидан ёшроқ бўла туриб раҳбарлик қилаётгани учун унга ҳасади келибди.

Бироқ, охир-оқибат, ўзаро низони унутиб, жанг режасини бирга туза бошлашибди. Лекин улар бу масалада ҳам келиша олишмабди. Брут Филиппига бориб, у ердан Марк Антонийга ҳужум қилишни истаса, Кассий унга қарши чиқибди.

– Душманнинг ўзи биз томонга келгани маъқулроқ бўлади, – деб эътироз билдирибди. – Шу йўл билан душман ўз кучини сарфлаб, жангчиларини чарчатади. Биз эса, шу ерда туриб, дамимизни оламиз ва қулай мудофаа имкониятига эга бўламиз.

Аммо Брут унга Филиппи ва Сард орасидаги ҳудудда яшайдиган аҳоли Антонийга ҳайрихоҳ эканлиги, агар унинг қўшини ўша қишлоқлардан ўтса, у ердаги аксарият одамлар қўшин сафига кириш эҳтимоли борлигини айтиб огоҳлантирибди. У ўзларининг кучи айна тўлиб-тошиб тургани ва душман кучаймасидан аввалроқ зарба бериш кераклигини айтибди.

– Одамларнинг ишларида юксалиш ва пасайиш паллалари бўлади. Агар юксалиш пайтида ҳаракат қилинса, у омад келтиради, – дебди Брут.

Ниҳоят, Кассий Брутнинг фикрига истар-истамас рози бўлибди. Улар Филиппига юриш қилишибди. Бундан Октавий ҳам, Марк Антоний ҳам хурсанд бўлиб-

ди. Сабаби мудофаа шароитининг яхшилиги улар учун афзаллик бўлибди. Филиппидаги жанг майдонида чалкашлик рўй берибди. Бунга қисман ҳар икки қўшиннинг бир хил кийимда эканлигидан ким дўст, ким душманлигини ажратиш қийинлиги сабаб бўлибди. Қисман эса, Брут қароргоҳидаги ҳамжиҳатлик ва ҳамфикрлик ўрнига ўзаро ҳасад ва зиддият сабаб бўлибди.

Кассий қўшин бошлиқларидан бирига ўзининг афзалроқ фикрига зид равишда Филиппига келишга рози бўлганини тан олиб, Филиппи Текисликларидаги бу жангда мағлуб бўлишларидан қаттиқ хавотирланаётганини айтибди. Уларнинг қўшини Сарддан бу ергача узоқ йўл юриб, жуда ҳолдан тойган экан. Антонийнинг жангчилари эса, дам олиб, куч-райратга тўлган, аллақачон Текисликдаги энг қулай мудофаа жойларини эгаллаб бўлишган экан. Кейинроқ Кассий худди шу гапларни Брутга ҳам айтибди:

– Агар биз шу жангда мағлуб бўлсак, асир сифатида Рим кўчаларидан ҳайдалиб ўтишга розими-сан?

Брут бундан кўра ўзини жонига қасд қилишни афзал кўришини айтиб қасам ичибди-да, иккиси икки томонга, ҳар бири қўшиннинг ўзига тегишли ярмини жангга бошлагани кетибди. Лекин уларнинг хаёлларини мағлубият ва ҳалокат хусусидаги мудҳиш ўйлар чулғаб олибди.

Жанг кун бўйи давом этибди. Аммо тушга яқин Марк Антоний қўшинининг қўли баланд эканлиги маълум бўлибди. Чопар Кассийга душман унинг қароргоҳига қадам қўйгани хабарини келтирибди. Шунда Кассий Брутнинг аскарларини Антоний аскарлари билан адаштириб, жанг бой берилди, деб ўйлабди. Чорасизликдан у ўз қиличи билан ўзини ўлдирибди.

Бироздан сўнг етиб келган Брут қариндошининг вафотидан хабар топибди.

– О, Юлий Цезарь, сен ҳали ҳам қудратлисан! Сенинг руҳинг эркин кезиб, ўз қиличимизни ўзимизга қарши тўғрилаяпти! – деб аччиқ хитоб қилибди.

У барчаси бой берилди – деб умидсизликка тушибди. Аммо омон қолган қўшинини яна бир бор душманга қарши бошлабди. Қўп ўтмай у мағлубиятга учрабди. Ўзи бир неча дўстлари билан қочишга муваффақ бўлибди. Қўшинининг катта қисми асир олинбди.

Марк Антоний ўз аксарларига асирлар билан хушмуомала бўлишни тайинлабди.

– Мен бу жангчилар душманларим эмас, дўстларим бўлишини истайман! – дебди у. Сўнг Брутни топиб Октавийнинг чодирига олиб келишга буйруқ берибди.

Брут, ниҳоят, топилибди. Лекин у ҳам, худди Кассийга ўхшаб, ўз қўли ва ўз қиличи билан ўзини ўлдирган экан. Унинг назарида, Римнинг гуллаб-яшнаши хусусидаги умидлари ва Рим халқининг фаровонлиги йўлидаги астойдил саъй-ҳаракатлари аянчли муваффақиятсизликка учрагандек туюлибди. Ва у ўзининг яшашидан маъно қолмаганини англаб етибди.

Марк Антоний Брутнинг жасади ёнида тиз чўкиб, бу ажойиб инсоннинг ҳаёти беҳуда кетгани учун қаттиқ изтироб чекибди.

– Цезарь улар орасидаги энг олижаноб инсон эди, – дебди у. – Қолган барчалари қилган ишларини Цезарга ҳасад кўзи билан қараб қилганлар. Улар орасида фақатгина Брут одамларнинг манфаатини астойдил кўзлаган ягона соф виждонли инсон эди.

У ўрнидан туриб, аскарларига Брутнинг жасадини ҳурматини жойига қўйган ҳолда дафн этиш учун қароргоҳга олиб боришларини буюрибди.

– Биз унга юксак инсоний фазилатларига мувофиқ тарзда муносабатда бўлишимиз керак ва бутун жаҳонга «Бу одам мард ва олижаноб инсон эди!» дея айтишимиз керак!

ЖАНЖАЛКАШНИНГ ТИЙИЛИШИ

Иштирокчилар:

Баптиста – Падуадаги бой жаноб.

Катарина жанжалкаш, Бианка – Баптистанинг қизлари.

Гортензио, Люченцио, Петручио – Бианканининг ошиқлари.

Винченцио – Люченционинг отаси.

Қадимда Италиянинг Падуа деган гўзал шаҳрида Баптиста исмли бой жаноб яшаган экан. Унинг икки қизи бўлиб, бири мулойим ва гўзал Бианка, иккинчиси Катарина экан. Катарина ҳам синглисидек гўзал экан-у, лекин унинг шунақанги асов феъли бор эканки, уни «Катарина жанжалкаш» деб аташар экан. Ҳамма унинг аччиқ тилидан қўрқар, гарчи гўзал бўлсада, биронта ҳам ошиғи йўқ экан.

Катарина Баптистанинг тўнғич қизи бўлиб, у қизининг ҳеч қачон ўзига эр топа олмай қолишидан қўрқа бошлабди. Кўп йигитлар Бианкага уйланишни исташар экан-у, лекин феъли чатоқ Катарина билан турмуш қуришга ҳеч кимнинг юраги дов бермас экан. Ниҳоят, Баптиста бир режа тузибди. Катарина Бианкадан олдин турмушга чиқиши шарт, бу опанинг ҳаққи, деб эълон қилибди. Бианканинг ошиқлари дарҳол у ёввойи мушукка – «Уришқоқ Катарина»га уйланишга журъат қиладиган мардни излашга тушишибди.

Шу пайтларда Италиянинг бошқа шаҳри Веронада Петручио исмли бой ва хушчақчақ йигит яшар экан. Унинг отаси яқинда вафот этган бўлиб, ўғлига жуда кўп пул қолдирибди. Энди Петручио дунё кезиб, ўзига

умр йўлдоши излашни ният қилибди. Ана шунда, у Падуага бориб, у ерда Бианкага уйланмоқчи бўлган йигитлардан бири – Хоренцио исми дўстини учратибди. Петручио унга ўзи ҳам умр йўлдоши қидираётганини айтибди. Шунда Хоренцио бирдан Катарина жанжалкашни эслабди. Петручио қатъиятли йигит, у албатта Катаринани ўзига бўйсиндира олади! У шўх ва хушфёъл ҳам ақлли ва қувноқ. Умуман, мулоҳазали йигит. Бинобарин, бадфёъл хотинни қандай қилиб йўлга солиб олишни билади.

Шундай қилиб, Хоренцио Петручиога ўзи севган ва уйланишни орзу қилган мулойим Бианка ва гўзал, аммо бадфёъл Катарина ҳақида батафсил гапириб берибди.

– То Катарина турмушга чиқмагунча ҳеч ким Бианкага уйлана олмас экан, – деб сўзини маҳзун якунлабди.

Петручио бунга қизиқиб қолиб, завқи келибди.

– Мен унга уйланаман, – дебди у. – Бўрондан кучлироқ жанжал қилмайдими! Барибир мени севишига мажбур қиламан уни!

Шу билан у Хоренцио ҳамроҳлигида Баптистанинг уйига борибди.

– Сен ўзингни мусиқачи қилиб кўрсатасан, – дебди унга Петручио. – Сен унга мусиқани, мен эса, севишни ўргатаман. Шу тариқа иккимиз у жанжалкашни жиловлаймиз.

Улар Баптистанинг уйига келганларида Петручио дадил гап бошлабди:

– Марҳамат қилиб айтинг-чи, сизнинг Катарина деган чиройли ва одобли қизингиз бор, шундайми? – деб сўрабди.

– Менинг қизим бор, сэр, исми Катарина, – деб жавоб қилибди Баптиста.

– Мен вероналик жанобман, сэр, – Петручио гапида давом этибди. – Қизингиз Катаринанинг гўзаллиги ва мулойимлиги ҳақида кўп эшитдим. Шунинг учун

дўстим унга мусиқа ўргатишига, мен унга уйланишимга ижозат беришингизни сўраб келдим.

– Хуш келибсиз, – дебди Баптиста ва шу заҳоти Хоренциони Катаринанинг ёнига йўллабди. – Лекин менинг қизим сизга тўғри келмайдими, деб қўрқаман, – хомуш оҳангда қўшиб қўйибди у Петручиога қараб.

– Назаримда сиз қизингиздан ажралишни истама-япсиз, ёки куёвингиз бўлишимни ҳохламаяпсиз, – дебди Петручио.

– Тўғриси, сиз хато қиялпсиз, – дебди Баптиста. – Хўш, сиз қаерда яшайсиз, сэр? Исмингиз нима?

Баптиста унинг исмини эшитганида Петручионинг отаси ўзининг эски қадрдони эканлигини англабди ва хурсанд бўлиб йигитни ичкарига таклиф қилибди. Аммо тўнғич қизи Петручиога яхши хотин бўла олишига гумони борлигини эътироф этибди. Ҳаттоки отаси ҳам унинг сўконғич тилидан ҳадиксираб турар экан-да.

– Қизим билан сенинг бахтинг очилишини тилайман, – дебди у йигитга. – Аммо сен баъзи ножўя гапларга руҳан тайёр бўлиб туришинг керак.

Шу пайт Хоренцио югуриб хонага кирибди. Унинг боши ёрилиб, қонаётган, юзи эса қўрқув ва газабдан оқариб кетган экан.

– Нимага рангингда ранг йўқ? – сўрабди Баптиста. – Нима бўлди? Қизимдан яхши мусиқачи чиқар эканми?

– Ундан яхши жангчи чиқар экан, – дебди Хоренцио жаҳд билан. У Баптистага Катаринанинг уд чалаётганида хатосини тузатмоқчи бўлганини, кутилмаганда қизнинг қаттиқ жаҳди чиқиб, қўлидаги асбоби билан бошига тушириб қолганини айтибди. Натижада йигитнинг боши ёрилиб, уди синиб кетибди. Йигит бу ҳолдан карахт бўлиб турган экан, қиз унга қаттиқ ўшқариб, ошкора ҳақорат қилди.

Петручио буни зўр ҳазил деб ўйлабди-да, хохолаб кулиб юборибди.

– У жасур қиз экан, – дебди қойил қолиб. – Мен бу қизни олдингидан ҳам ўн чандон кучлироқ яхши кўриб қолдим. Йигит Баптистага қувноқ Катарина билан учрашишга жудаям ошиқаётганини айтиб, дарҳол қизни кўришга рухсат сўрабди. Яхшироқ шогирд бўлар, деган умидда Баптиста бечора Хортенциога бориб, Бианкани топишни маслаҳат берибди. Баптистанинг ўзи эса, ўжар Катаринани олиб келишга аҳд қилибди. Петручио ёлғиз қолганида асов ва жаҳддор қиз билан қандай муомала қилиш кераклиги тўғрисида бир тўхтамга келибди.

– Агар уришса, худди қуш каби ўта ёқимли сайрашини айтаман, – деб ўйлабди у. – Агар қовоғини уйса, худди тонгги шабнамда чайилган атиргулдай тиниқ кўринишини айтаман. Агар бир сўз демай миқ этмасдан турса, нақадар гапга чечан эканини айтаман. Агар мени ҳайдаб солса, худди бир ҳафта меҳмон бўлиб қолишимни сўраётгандек, миннатдорчилик билдираман. Агар менга турмашга чиқишни истамаса, ундан тўйимиз кунини ўзи белгилашини сўрайман.

Мағрур Катарина ўзини нотаниш киши чақиртирганига ғаши келган ҳолда хонага кирибди. Аммо Петручио узр сўрамабди. Қизни хушнудлик билан қарши олибди.

– Хайрли тонг, Кэйт! Билишимча, исминг шундай-а.

– Менинг гийбатимни қиладиганлар одатда Катарина деб аташади, – дебди Катарина ошкора ғазаб билан.

– Ёлғон гапиряпсан! – дебди Петручио. – Сени шунчаки «Кэйт» дейишади. «Ёқимтой Кэйт» ҳам! Баъзида эса, «Уришқоқ Кэйт»! Аммо, Кэйт, сен дунёдаги энг хушрўй ва ёқимтой Кэйтсан. Сенинг гўзаллигинг, мулойимлигинг, бошқа инсоний фазилатларинг ҳар бир шаҳарда мақталади. Шунинг учун сендан менинг хотиним бўлишингни сўраб келиб турибман.

– Қандай ҳаддинг сиғди?! – бақирибди Катарина. – Қани, дарҳол бу ердан жўнаб қол-чи!

Лекин Петручио кетмабди. Катарина у билан баҳслашибди, уни уришибди, жанжал чиқаришга уринибди. Аммо йигит ўзини бу ҳақоратларни эшитмагандек тутибди. Қизнинг гўзал рухсори ва мулойим ҳулқатворини мақтаб, «бадфеъл жанжалкаш» деганлар, аслида, ёлғончи эканликларини айтибди. Охирида:

– Азизим Кэйт, истасанг ҳам, истамасанг ҳам мен сенга уйланмоқчиман. Сенинг отанг розилигини бериб бўлди. Мен сени ўзим тийиб қўяман, Кэйт! Сени «ёввойи Кэйт»дан «ювош Кэйт»га айлантираман. Ана, отанг келяпти: рад қила кўрма! Катарина менинг рафиқам бўлиши керак ва албатта бўлади ҳам!

Баптиста хонага кирганида Петручио Катарина икковининг шу якшанбада тўй қилишга келишиб олганини айтибди.

– Сенга турмушга чиқишдан олдин шу якшанба сенинг дорда осилиб турганингни кўраман!, – деб бақирибди Катарина ғазаб билан депсиниб. Сўнг шу телбага турмушга беришни истаётган отасини айблаётди. Бироқ, Петручио унинг жўшқин нутқини бўлибди.

– Сабр қилинг! – дебди у Баптистага. – Қизингиз сизнинг олдингизда шундай деяпти. Бироқ иккимиз ёлғиз қолганимизда шунақа мулойим ва меҳрибон! Балки сиз у мени қанчалар яхши кўришига ишонмасиз?.. – Сўнг Катаринага ўгирилиб дебди: – Кел, мени ўпиб қўй, Кэйт! Мен Венецияга бориб, якшанбада бўладиган тўйимизга бежирим кийим-кечаклар-у тақинчоқлар сотиб олмақчиман.

Бу антиқа йигитнинг муомаласини кўрган Катарина ғазаб ва ҳайратдан тили лол бўлиб, бошқа ҳеч нарса деёлмабди.

Якшанба кунини тўй базми ҳозирланиб, меҳмонлар келишибди. Катарина ўша-ўша қовоғи уйилган, баджаҳл экан-у, бироқ у янги тўй либослари кийдирилган ҳолда никоҳга тайёр бўлибди. Ҳамма Петручиони кутибди, аммо у ҳа деганда келавермабди. Меҳмон-

лар ўзаро шивир-шивир қила бошлашибди. Петручионинг ўзига нисбатан бундай таҳқирли муносабатда бўлганидан уялган Катарина сўкиниб, кўзлари жиққа ёшга тўлиб, хонадан югургилаганча чиқиб кетибди.

– У ҳеч қачон менга уйланишни истамаган, – чин-қирибди қиз. – Буни атайин мени мазах қилиш учун уюштирган.

– Одамлар Петручио энди келмайди, деб туришганида бирдан у озгинлиги-ю касалмандлигидан базўр юраётган қирчанғи от устида етиб келибди. Петручионинг ўзи эса, худди тиланчиларга ўхшаб кир-чир, жулдур кийим кийиб, белига занглаган синиқ қилич таққан ҳолда, хизматкори ҳам худди ўзидек рўдапо кийимда экан. Меҳмонлар таажжубланиб яна ўзаро шивир-шивирга тушиб кетишибди. Петручио қирчанғи отидан сақраб тушиб,

– Кэйт қаерда? Қани менинг севикли хотиним? – деб бақирибди.

Петручионинг уларни куттиргани, устига устак, бундай шармандали аҳволда келганидан Баптистанинг қаттиқ жаҳли чиқибди.

– Бу қанақаси, сэр, бугун тўй куни эканлигини билардингиз-ку! – дебди у Петручиога ва дарҳол бориб тузукроқ кийиниб келишини сўрабди.

Петручио эса, қайсарлик қилиб ҳеч нарсани ўзгартиришга рўйхушлик бермабди.

– Кэйт менинг кийимимга эмас, ўзимга турмушга чиқяпти, – дебди у.

Барча уқтириш-у тушунтиришлар кор қилмабди. Натижада Катарина ночор-ноилож черковга боришга мажбур бўлибди. Маросим мобайнида ҳам Петручио ўзини ёввойиларча ғалати тутибди. У руҳонийга шундай баланд овозда ўшқириб берибдики, таажжубдан донг қотиб қолган бечора руҳонийнинг китоби қўлидан тушиб кетибди. Китобни олиш учун энгашганида Петручио уни туртиб юборибди. Шу тариқа у уришиб-бақирини, ер депсинишни давом эттираверибди. Ҳеч

кимдан ҳайиқмайдиган Катарина қўрқувдан дағ-дағ титрай бошлабди. Маросим сўнгида Петручио баланд овозда шароб тўла қадаҳ келтиришни буюриб, шаробни ярмигача ичгач, қолганини руҳонийнинг юзига се-пиб юборибди.

– Унинг соқоли жуда нимжон ва қуруқшаган кўринди, – дебди Петручио хохолаб кулганча. – Шунга шароб озгина даво бўлади деб ўйладим».

Катарина тезроқ отасининг уйига қайтишни сўраганида Петручио тўй базмига қолишларининг ҳечам иложи йўқлигини айтибди.

– Илтмос, базмга қолайлик! – ўтиниб сўрабди Катарина. – Агар ҳозир кетиб қолсак меҳмонлар нима деб ўйлашади?

Аmmo Петручио меҳмонлар билан иши йўқ эканини айтиб, базмда қолишга розилик бермабди.

– Агар мени яхши кўрсанг, қоласан – дебди Катарина.

Бунга жавобан Петручио хизматкорига отларни келтиришни буюрибди. Шунда Катаринанинг жаҳли чиқиб кетибди.

– Кетавер бўлмаса! – деб бақирибди у. – Эшик очиқ! Лекин мен бугун кетмайман. Йўқ, эртага ҳам кетмайман. То ўзим хоҳламагунимча, кетмайман!

– Хўп, Кэйт, жаҳлинг чиқмасин, – дебди Петручио.

– Жаҳлим чиқади! – дебди Катарина ғазаб билан. – Сен мен истаганча шу ерда қоласан! – Сўнг у меҳмонларга ўгирилиб, – Жаноблар, юринг, зиёфатга борайлик! – дебди. – Назаримда, агар аёл киши қаршилиқ кўрсатишга ўзида журъат топа олмаса, уни аҳмоқ қилишлари ҳеч гап эмас экан.

– Кэйт, улар буйруғингга кўра кетаверишсин, – дебди Петручио. – Боринглар, жаноблар, хотиним айтганидек, базми жамшид қилинглар. Бироқ ёқимтой Кэйтмен билан кетади. Мен ўз хотинимга хўжайинман.

Шунда Кэйт бошқа ҳеч нима қила олмабди. Нима бўлаётганини англаб етганида эса, Петручио билан

бирга отда унинг уйига кетаётган экан. Бу жуда ҳолдан тойдирадиган сафар бўлибди. Сабаби отлари ориқ ва хаста, бунинг устига, Петручио атайлаб энг ёмон йўллардан юрибди. Тепалиқдан қиялаб тушаётганларида Катаринанинг оти тойиб кетиб, балчиққа йиқилибди. Петручио эса, хотинининг туришига қўмаклашиш ўрнига от йиқилгани учун хизматкорини айблаб ура бошлабди. Катарина минг машаққат билан оёққа туриб, эрини хизматкордан ажратишга уринибди. Шундан кейин можаро авжига чиқибди. Петручио бақрибди. Катарина баҳслашибди, тортишибди, жанжаллашибди. Хизматкор шафқат сўрабди. Ниҳоят, улар бироз тинчланишганида отлари қочиб кетганини пайқашибди. Хизматкор бир амаллаб уларни тутиб келибди. Шундай қилиб, Катарина чарчаган ва қорни очган ҳолда, балчиқда доғ-дуғ бўлган кийимда янги уйига етиб келибди. Айни чоғда, у бир тентакка турмушга чиққанига ва ўз ташвишлари ҳали тугамаганига ич-ичдан иқрор бўлибди. Хизматкорлар уларни кутиб олиш учун уйдан чиққанларида Петручио ҳаммаларини ёппасига уриша кетибди. Шунда Катарина ундан хизматкорлар билан юмшоқроқ муоамалада бўлишни ёлвориб сўрабди.

Кечки овқат келтирилганда Петручио ҳар бир таомни танқид қилаверибди. Таом тагига олиб кетиб, ёмон пиширилганини, ейишга яроқсизлигини айтиб ёзғираверибди. Катарина таомда бундай камчиликларни кўрмабди. Қолаверса, қорни ўлгудай оч. Бироқ Петручио уни тановул қилишга қўймабди. Йўқ, гўшт айниган, касал қилади, дея овқатни ерга отиб юборибди.

Катаринанинг тинка-мадори қуриб, йиғлагудек аҳволга келибди. Лекин ҳатто ухлашга ётганида ҳам эри уни дам олгани қўймабди. Петручио ётоқхонадаги ҳар бир нарсадан айб топаверибди. Тўшак хотинининг ухлаши учун яроқсизлигини айтиб чойшабларни ерга ирғитибди. Туни билан бақриб-чақриб танқид

қилаверганидан Катарина сира ухлай олмабди. Катарина буларнинг барчаси ўзининг тажанг феълени даволаш учун Петручио тузган режанинг бир қисми эканлигини фаҳлмабди. Петручио мутгасил жанжаллашиб, вайсайверадиган одам билан яшаш нақадар офир эканини қизнинг кўзига кўрсатмоқчи экан. Тез орада Катарина буни англаб етгач ўзининг ёмон хулқини тузатибди, бироқ ўшанга қадар у ўзини жуда бахтсиз ҳис қилибди.

Эртаси куни Петручио ўзини яна ўшандай тутаверибди – ҳамиша хотинига ўта мулойим гапирибди, бироқ унинг аҳволини баттар танг қилаверибди. Шунда қорни жуда очган Катарина хизматкордан бирон егулик олиб келишини ёлвориб сўрабди. Бироқ у турли баҳоналар қилиб, охирида хўжайини рухсат бермагунча егулик олиб кела олмаслигини очиқ айтибди.

– У менга очликдан ўлдириш учун уйланганми, нима бало? – сўрабди Катарина жаҳли чиқиб. – Отамнинг уйига келган тиланчиларга егулик берилган. Аммо мен, тиланиш нималигини билмайдиган одам, гўштга зор бўлиб, уйқусизликдан силлам қуриб ўтирибман. Туни билан Петручионинг бақариб-чақаришидан ухлаёлмадим. Менга энг алам қиладиган жойи – у ўзини буларнинг барчасини мени яхши кўрганидан қилаётгандек тутиши бўляпти.

Ўша пайт Петручио қўлида гўшт тўла ликопча билан хонага кириб келибди.

– Қалайсан, азизим Кэйт? – сўрабди у. – Кўряпсанми, сен ҳақингда қанчалик қайғуряпман. Мен ўзим сен учун егулик пиширдим.

Катарина жавоб қилмабди.

– «Йўқ, раҳмат»ми? – сўрабди Петручио. – Нима, ҳеч гапинг йўқми? Балки егинг йўқдир? – Сўнг хизматкорга гўштни олиб кетишни буюрибди.

– Йўқ! Йўқ! У қолсин! – бақарибди очликдан ҳолсизланган Катарина.

– Ҳаттоки энг арзимас хизмат ҳам раҳмат билан тақдирланади. Шунинг учун сен гўштга қўл тегизишдан олдин менга раҳмат айтишинг керак, – дебди Петручио.

– Сизга раҳмат, сэр, – дебди ачинарли алфозда Катарина. Шунда Петручио унга гўштан биров тановул қилишга рухсат берибди. Лекин тановулни тугатмасидан муғомбирлик билан

– Бас, етар! – деб, хизматкорга таомни олиб кетишни буюрибди.

Сўнг у Катарина учун буюртирган кийимларни тикувчи олиб келсин, деб одам жўнатибди. Тикувчи келиб Катаринага бежирим телпакча кўрсатибди.

– Қанақа ажойиб телпакча экан-а! – дебди Петручио. – Мўъжазгина! Худди чақалоқниқига ўхшайди! Кел, яхшиси каттароғини кўрамиз.

– Менга каттароғи керакмас! – бақириб юборибди бечора Катарина. – Бу ҳозир урфда, назокатли хонимлар шунақа телпакчалар кийишади.

– Сен ҳам назокатли хоним бўлганинда шунақасини киясан, – дебди эри баттар унинг жиғига тегиб.

Катаринанинг жаҳли чиқибди.

– Гапиришга ижозат берасан ва мен гапира оламан, деб умид қиламан, – дея истехзо қилибди у. – Нима, мен ёш боламанми, менга бундай муомала қиласан! Бошқалар гапимга қулоқ солишарди. Агар сен истамасанг, яхшиси, қулоқларингни беркитиб ол!

– Гапларинг жуда тўғри, – дебди Петручио гўё унинг гапларига мутлақо парво қилмаган ҳолда. – Барибир, бу телпакча кичкина экан. Уни ёқтирмаганинг учун мен сени янаям яхши кўриб кетяпман.

– Яхши кўрасанми, яхши кўрмайсанми – менга барибир, – дебди Катарина. – Шу телпакча менга ёқди ва мен уни оламан!

– Олиб кет телпакчангни, ҳой тикувчи, у бизга керакмас! – дебди Петручио. – Энди кийимни кўришга ўтайлик. – У кийимни қўлига олиб, кўздан кечира бош-

лабди. – О, нақадар арзон мато! – давом этибди у. – Жин урсин, тикувчи, бу қанақаси? Газмолни шунақаям қирқадими, кўйлак дабдала бўлибди-ку!

– Мен умримда бундан чиройлироқ кўйлак кўрмаганман, – дебди Катарина. – Менга ҳар жиҳатдан жуда ёқиб турибди.

Аммо Петручио унга қулоқ солмасдан тикувчига кийимларни олиб кетишни буюрибди. Лекин зимдан хизматкорларига Катарина учун тикилган кўйлак ва телпакчани олиб қолишларини, тикувчининг ҳақини бериб юборишларини тайинлабди. Бироқ Катаринага

– Қани, юр, менинг Кэйтим. Начора, эгнимиздаги шу жудур кийимларда отангнинг уйига боришимизга тўғри келади, – дебди.

У соат энди етти бўлгани, Баптистанинг уйига тушги овқатга бемалол улгуришлари мумкинлигини айтиб, хизматкорларига отларни келтиришни буюрибди. Аммо соат, аслида, кундузги икки бўлганини Катарина унга айтибди.

– Боргунимизча кечки овқат вақти бўлади, – дебди у мулойимлик билан.

– Сен мен айтган ҳар бир гапга қарши чиқасан! – дебди кескин тарзда Петручио. – Хўп, майли. Бугун бормаيمان. Лекин қачон борадиган бўлсам, вақт мен айтгандек бўлади.

Яхшигина сабоқ олган Катарина кейинги кун Петручио билан вақт юзасидан баҳслашмабди. Улар отда Катаринанинг отасиникига равона бўлишибди. Бироздан кейин улар отдан тушиб, дам олмоқчи бўлишибди. Ажойиб тонг экан: қуёш чарақлаб, осмонда зиғирча ҳам булут йўқ экан.

– Ой қанчалик ёруғ нур сочаяпти-я, – дебди Петручио.

– Ой? – дея ажабланибди Катарина. – Қуёш демоқчисан-да! Ҳозир ойдин тун эмас, кундуз-ку.

– Мен бу ёруғ нур таратиб турган нарса – ой деяпман, – такрорлабди Петручио.

– Ахир, мен бу қуёш эканини кўриб турибман-ку, – дея нодонларча ўз сўзида туриб олибди Катарина.

– Шу топда отангнинг уйига боришим учун, онамнинг ўғли (яъни, ўзим!)нинг ҳаққим-ҳурматим, айтаманки, – дебди Петручио – ана ўша ёритқич ой ёки юлдуз, ёки мен истаган бошқа нарса бўлади.

– Мен ҳеч қачон бу кишининг қўнглини топа олмасам керак, – деб ўйлабди Катарина маюс тортиб.

– Юр, кетдик! – дебди у Петручиога. – Майли, у ой, қуёш, ёки сен хоҳлаган нарса бўлақолсин. Сен билан баҳслашмайман.

– Бундай тақдирда, мен уни ой деяпман, – дебди яна Петручио.

– Тўғри, у ой, деб жавоб қилибди Катарина.

– Йўқ, унда, сен ёлғон гапиряпсан. Бу – қуёш! – дебди эри.

– Ҳа, хўп, у – қуёш! – дебди Катарина чор-ночор. – Нима десанг, розиман.

Шу пайт уларнинг йўлида бир мўсафид учрабди. Шунда Петручио Катаринанинг итоаткорлигини текшириб кўриш мақсадида у қарияга

– Хайрли тонг, нозик хоним! – дебди. Сўнг Катарина томонга қараб, изоҳ берибди:

– Ростини айт, азизим Кэйт, бундан ҳам нозикроқ хонимни ҳеч кўрганмисан?

У қариянинг мулойим, нафис терисини мақтаб, кўзларини юлдузларга ўхшатибди.

– Азизим Кэйт, гўзаллиги учун бу ажойиб хонимчани ўпиб қўй, – дебди у.

Катарина бу гал чинакамига сабоқ олибди.

– Гўзал ва ёқимтой хонимча, – дебди у қарияга тантанавор оҳангда. – Қаерга кетаяпсан? Уйинг қаерда? Шундай ажойиб қизи борлигидан ота-онанг жуда бахтиёр бўлса керак.

Қария унга ажабланиб қараб қолибди. Шунда Петручио дафъатан:

– Нима деяпсан, Кейт, эсинг жойидами? Бу сен айтгандек ёш қиз эмас, кекса чол-ку, ахир.

– Кечирасиз, отахон, – дебди Кэйт. – Қуёш кўзимни қамаштириб, сизни аниқ кўра олмаган эдим. Илтимос, бемаъни хатойим учун мени кечиринг.

Исми Винценто бўлган бу кекса жаноб Падуага кетаётганлигини айтиб, уларга ҳамроҳ бўлибди. У ўғли Люченционинг олдига кетаётгани айтибди. Люченцио Катаринанинг гўзал синглиси Бианкага уйланаётган экан. (Петручионинг дўсти, мусиқачи Хортенционинг Бианка билан омади келмай, бошқасига уйланиб кетган экан).

Катарина, Петручио ва чол Бианканинг айна тўй базмига етиб келишибди. Петручио дўсти Хортенцио ҳам хотини билан шу ерда эканлигидан хурсанд бўлибди. Таом ейилиб, аёллар хонадан чиқиб кетгач, эркаклар Петручиога бадфеъл хотини ҳақида гапириб, ҳазиллаша бошлашибди. Ҳатто Баптиста унга маюс оҳангда

– Дарҳақиқат, ўйлашимча, Петручио ўғлим, сен қизларимдан энг жанжалкаши, уришқоғига уйлангансан, – дебди.

– Менимча, бунақа эмас! – дебди Петручио ишонч билан. – Ҳозир шуни исботлаймиз. Келинг, шу топда ҳар бир эр ўзининг хотинини чақирсин. Ана шунда кимнинг хотини энг итоатли эканини кўрамиз.

Люченцио ва Хортенцио иккови ўз хотинларининг итоаткорлигига қатъий ишониб, бу шартга мамнуният билан рози бўлишибди. Люченцио биринчи бўлиб хотинини чақириш учун хизматкор жўнатибди.

Бироқ у саноқли лаҳзалардан сўнг якка ўзи қайтиб келибди.

– Хоним айтдики, банд экан, шунинг учун кела олмас экан.

– Банд экан, шунинг учун кела олмас экан! Шу ҳам жавобми? – кулибди Петручио. Аммо улар Петручиога ўз навбатини кутишни, унинг хотини баттарроқ жавоб қайтаришини айтишибди.

Навбат Хортенциога келиб, у хизматкорга:

– Бориб, хотинимни менинг олдимга келишини ёлвориб сўра, – дебди.

– Ўҳў! Ёлвориб сўра! – дебди Петручио. – Албатта, сен ёлворсанг, у келади-да.

– Қўрқаманки, сэр, – дебди Хортенцио. – сенинг хотининг ёлворсанг ҳам келмайди.

Аммо Хортенционинг хизматкори ҳам ёлғиз қайтибди.

– Хотиним қани? – сўрабди Хортенцио ҳайрон бўлиб.

– Хоним сизни ҳазиллашаяптими, деб ҳайрон бўлди, – дебди хизматкор. – Хоним кела олмас экан. Керак бўлса ўзингиз унинг ёнига боришингиз лозимлигини айтди.

– Бундан баттари бўлмайди, у келмас экан! – дебди Петручио. – Оҳ, бунга чидаб бўлмайди! – У хизматкорига ўгирилиб дебди: – Хотинимга бориб, олдимга келишини буюргангани айт.

– Унинг жавоби қандай бўлишини биламан, – дебди Хортенцио.

– Қандай бўлар экан? – сўрабди Петручио.

– У келмайди, – деб жавоб қилибди Хортенцио. Бироқ Катаринанинг отаси таажжубдан бақириб юборгани сабаб гапи оғзида қолибди.

– Ана, Катарина келяпти! – дебди ота қизига ҳайратланиб қарар экан. Сабаби Катаринанинг ўзини тутишида на газаб, на бадфёшлик бор экан. У тўғри эрининг олдига келиб, мулойимлик билан сўрабди:

– Буюринг, сэр? Мени чақиртирдингизми?

– Сенинг синглинг, Хортенционинг хотини қаерда? – деб сўрабди Петручио.

– Улар ўчоқ ёнида гаплашиб ўтиришибди, – жавоб қилибди Катарина.

– Бориб, уларни шу ерга чақириб кел, – дебди Петручио хотинига. Катарина шу заҳоти уларни чақириб келишга кетибди.

– Ажабо-о! – хитоб қилибди Луценто.

– Вожаб! – беихтиёр унга қўшилибди Хортенцио. –
Ҳайронман, бунинг сири нимада экан?

– Бунинг сири тинчлик-тотувликда, – дебди кулиб
Петручио. – Шу билан бирга, севги ва осойишта ҳаёт-
да. Қисқаси, ҳаётнинг жамики хайрли ва бахтли жи-
ҳатларида. Агар бироз кутиб турсангизлар, сизларга
итоаткорликнинг яна-да кўпроқ аломатларини кўрса-
таман.

Тез орада Катарина бошқа икки хотин билан қай-
тиб келибди. Петручио хотинига шундай дебди.

– Катарина, анави телпакчанг сенга ярашмабди. Уни
ечиб, отиб юбор! – дебди.

Катарина шу заҳотиёқ телпакчасини ечиб, ерга улоқ-
тириб юборибди.

Бианка ва Хортенционинг хотини ҳайратдан унга
бақрайиб қолишибди.

– Эсинг жойидами?! – қичқиришибди улар. – Биз
ҳеч қачон эрларимизнинг бунақанги бемаъни буйруқ-
ларига бўйсунмаймиз.

– Катарина, – дебди Петручио, – бу калтафаҳм аёл-
ларга эрлари билан қандай муомала қилиш лозимли-
гини айт!

Шунда Катарина барчани ҳайрон қолдириб бу аёл-
ларга хотиннинг бурчлари ҳақида донолик ва мулой-
имлик билан гапира кетибди. Хотини гапини тугатга-
нида Петручио уни фахр билан ўпиб қўйибди.

– У жанжалкашни тийиб олибди! – шивирлашибди
атрофдагилар.

Шундай қилиб, Катаринани бошқа «Жанжалкаш»
деб атамайдиган бўлишибди. У ҳамиша севикли, му-
лойим ва итоаткор хотин бўлиб қолибди ва Петручио
ўзининг дилбар Кэйти билан фахрланиб бахтли-сао-
датли ҳаёт кечирибди.

ВЕНЕЦИЯЛИК САВДОГАР

Иштирокчилар:

Антонио – Венециялик савдогар.

Бассанио – Антонионинг дўсти.

Гратиано – Антонионинг бошқа дўсти.

Портия – Бассаниони севадиган бой аёл.

Нерисса – Портиянинг хизматкори, Гратианонинг ошиғи.

Шайлок – Яҳудий судхўр.

Жессика – Шайлокнинг қизи.

Лорензо – Жессиканинг ошиғи.

Венеция герцоги.

Морокко, Аррагон – Портияга уйланмоқчи бўлганлар.

Қадимда Италиянинг Венеция деган шаҳрида Антонио исмли бир киши яшаган экан. У кўп кемаларга эга савдогар бўлиб, бу кемаларда олис мамлакатларга сафар қилар экан. У яхши одам, айти чоғда, анчагина бой экан.

Ёш аскар Бассанио Антонионинг қадрдон дўсти бўлиб, у Портия исмли гўзал хонимни яхши кўрар экан. Аммо Бассанио бой эмас экан. У Портиядан ўзига турмушга чиқишни сўрашни истамас экан, сабаби Портия қанчалик гўзал бўлса, шунчалик бой-бадавлат ҳам экан. Бассанио, ниҳоят, Портия яшайдиган Бельмонт шаҳрига бориб, ҳеч бўлмаса ундан ўзини севиш-севмаслигини билиш учун дўсти Антониодан бироз пул қарз бериб туришини сўрабди.

Айти чоғда Антонионинг барча кемалари денгиз сафарида бўлиб, то улар қайтиб келмагунча Бассаниога қарз бериш учун пули йўқ экан.

– Бўлмаса судхўрнинг олдига бор, – дебди у дўстига. – Ундан керагича пул қарз олгин-да, айтгинки, қачон менинг кемаларим қайтиб келса, сенга бериб турган пулининг ҳаммасини тўлайман.

Шу пайтларда Венецияда Шайлок исмли кекса яхудий яшар экан. Ўша даврда яхудийлар Венецияда судхўрлик қилишар эканлар. Улар қарзга пул беришар экан-у, аммо одамлардан жуда катта устама ҳақ талаб қилишар экан. Шунинг учун улар жуда бойиб кетишибди. Шайлок Венециядаги энг хасис яхудийлардан бири экан. Антонио унинг ноинсофлиги-ю, ярамас қилиқларидан нафратланар, у яхудийни кўп ҳақорат қилиб, кўпол сўзлар айтган экан. Шунинг учун Шайлок ҳам Антониодан нафратланар, ҳақоратлари учун ундан қасос олишни истар экан.

Бассанио Шайлокнинг жуда бой эканлигини билиб, қарз олиш учун унинг ёнига борибди. Антонионинг қарзни тўлаши ҳақидаги ваъдасини эшитган Шайлок ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетибди. У душманам кўлимга тушди дея ўйлаб, бир қабиҳ режа тузибди. Ўзини сахий кўрсатиб, Бассаниога қарз беришини, унинг эвазига ҳеч қандай устама ҳақ олмаслигини айтибди.

– Аммо Антонио менга уч ойдан сўнг қарзни қайтариши керак, – дебди Шайлок. – Яна, шунчаки ҳазил учун, агар қарз қайтарилмаса, у ўз танасидан бир фунт¹ гўшт кесиб олишим мумкинлиги қайд қилинган тилхатга имзо чекиши шарт.

Бассанио Шайлокка ишонмасди. Шунинг учун Антонио бундай мудҳиш ваъда беришини истамабди. Аммо Антонио Шайлок шунчаки ҳазил қиялпти дея ўйлаб:

– Мен чинданам бундай гаровга имзо чекишга розиман. Кўрқма, Бассанио, муддат тугашидан бир ой аввал менинг кемаларим қайтиб келади. Ана ўшанда Шайлок сенга берган пулдан уч баравар кўп пулим бўлади, – дебди. Шундай қилиб, Антонио гаров хужжатиغا қўл қўйибди.

– Менга бу гаров ёқмаяпти, – дебди Бассанио қаттиқ безовта бўлиб. Аммо Антонио яна уни тинчлантирибди:

¹ 454 граммга тенг оғирлик ўлчови.

– Ҳеч ҳам қўрқма. Кемаларим айтилган кундан бир ой олдин уйга қайтишади.

Бассанио истар-истамас пулни олиб, Антонио билан хайрлашиб, кемада Бельмонтга жўнаб кетибди. У ўзи билан дўстларидан бири Гратианони ҳамроҳ қилиб олибди.

Гўзал Портия Бельмонт шаҳрида каттакон уйда ўз хизматкори ҳам сирдоши Нерисса билан бирга яшар экан. Отаси яқинда вафот этиб, унга катта миқдорда пул мерос қолдирган экан. Отаси донишманд одам бўлиб, бойлиги учун қизига уйланишга ҳаракат қилувчи очкўз кишилардан ҳимоя қилиш мақсадида қизи Портияга учта қути қолдирган экан. Бу қутилардан бирида қизнинг сурати жойлашган бўлиб, кимда-ким ана шу қутини танласа, Портиянинг эри бўлиши керак экан.

Бассанио Венециядан етиб келишидан бир муддат аввал Портиянинг олдига Африкадан бир қиролнинг ўғли ташриф буюрибди. Морокко исмли бу йигит жуда қудратли ва бадавлат бўлиб, Портияга уйланиш ниятида экан. Бироқ Портия уни севмас, шунинг учун у нотўғри қутини танлашига умид қилибди.

– Бу қандай кўргилик, Нерисса? – деб ҳасрат қилибди Портия хизматкорига. – Ўзим турмушга чиқишни истаган эркакни танлай олмасам, истамаган эркакка рад жавобини бера олмасам!

– Танлашингиз учун ошиқларингиз бисёр, – дебди Нерисса. – Масалан, бир пайтлар отангиз билан кўришган Венециялик йигит эсингиздами?

– Ҳа, ҳа, – жавоб берибди Портия. – У Бассанио эди. Менимча, исми шундай эди-я?

– Тўғри, хоним, – дебди Нерисса. – Ўйлашимча, у бошқаларга қараганда сизнинг севгингизга лойиқроқ.

– Мен уни жуда яхши эслайман. У сен мақтагандек эди, – дебди маъюс Портия. – Аммо у бу ерга келиб, тўғри қутини танламагунича, унга турмушга чиқа олмайман-да.

– Эҳтимол у келиб қолар, – таскин берибди Нерисса. – Сизнинг отангиз жуда доно ва саховатли инсон эдилар. Ишончим комил, у киши қутиларни шундай тайёрлаганки, натижада сизга муносиб йигит суратли қутини танлайди.

Портия Африкадан келган қора танли Мороккога уч қутини кўрсатар экан, Нериссанинг бамаъни фикри Портияни дадиллаштирибди. Морокко қутиларни диққат билан кўздан кечириб, ҳар бирининг устига ёзилган сўзларни ўқибди. Тилла қутига шундай сўзлар битилган экан: «Кимки мени танласа, кўп эркаклар истайдиган нарсага эришади». Кумуш қутига шундай деб ёзилган экан: «Кимки мени танласа, ўзи лойиқ бўлган нарсага эришади». Ва ниҳоят, қўрғошиндан ясалган оддий қутига шундай сўзлар ёзилган экан: «Кимки мени танласа, бор-будини бериб, ҳаммасини хавф-хатарга қўяди».

– Кўп эркаклар истайдиган нарса, – дебди Морокко тилла қутига қараб. – Бу соҳибжамол Портия бўлиши керак. Демак, унинг сурати албатта тилла қути ичида бўлади-да.

У қутини очганида, ичидан бир одамнинг хунукдан-хунук бош чаноғи билан бир парча қоғоз чиқибди. Қоғозда шундай сўзлар ёзилган экан: «Ҳар бир ялтираган нарса олтин эмас. Хайр!»

Шундай қилиб, Морокко ғамгин ҳолда Портия билан хайрлашиб, Африкага қайтиб кетибди.

Навбатдаги меҳмон Аррагон шаҳзодаси бўлиб, унга ҳам уч қути кўрсатилибди. Аррагон ўзига бино қўйган йигит бўлиб, ниҳоятда такаббур экан. У кумуш қутини танлабди.

– Агар мен ўзим лойиқ бўлган нарсага эришадиган бўлсам, – дебди у, – бундан чиқди, гўзал Портияга албатта эришар эканман.

Аммо қутидан масхарабознинг калласи билан бир парча қоғоз чиқибди. Қоғозда «Масхарабозлар кумуш ниқоб ортига яширинган бўлишади. Хайр, сэр!» деб ёзилган экан.

Шаҳзоданинг кайфияти тушиб ортига қайтиб кетибди.

Шундан сўнг Бассанио билан Гратиано келишибди. Бассанио Портиядан ўз омадини уч қути устида си-наб кўришига рухсат беришини ўтиниб сўрабди. Портия у нотўғри қутини танлаб қўйишидан қаттиқ хавотирланибди, бироқ қай бири тўғри қути эканини унга айтишга журъат қилмабди. Бассанио тилла ва кумуш қутиларга қараб бошини тебратибди.

– Усти ялтироқ ва чиройли нарсалар, одатда, ичи қалтироқ ва хунук бўлади, – дебди у. – Мен оддий кўрғошин қутини танлайман.

Портия Бассанионинг тўғри қутини очиб, ичидан ўзининг чиройли суратини топганидан жуда хурсанд бўлибди. Улар тезда турмуш қуришга аҳд қилишибди. Шу вақт Бассанионинг дўсти Гратиано ҳам Нерисага уйланишга изн сўрабди.

Аммо уларнинг шодликлари бир совуқ хабар туфайли узоққа чўзилмабди. Венециядан кемада Бассанионинг дўсти Лорензо келибди. У билан бирга хотини – яхудий Шайлокнинг қизи Жессика ҳам бор экан. Шайлок қизи Жессикага нисбатан ҳамиша қаттиққўл ва шафқатсиз бўлиб, Жессика отаси унга ҳеч қачон Лорензога турмушга чиқишига рухсат бермаслигини билар экан. Сабаби, биринчидан, яхудий бўлмагани учун, иккинчидан, Антонионинг дўсти бўлгани учун. Бир куни кечаси у Лорензога турмушга чиқиш учун ўзи билан кўп миқдорда пул ва зеб-зийнатлар олиб, отасининг уйидан қочиб кетибди.

Улар Бельмонтга Шайлокнинг газабидан қутилиш учун келишган ва Бассаниога Антонионинг хатини олиб келишган экан. Бассанио хатни ўқиб, ранги чунонам оқариб кетибдики, буни кўрган Портия дўсти вафот этибди деб хавотирга тушибди.

– Нима бўлди, Бассанио? – сўрабди Портия безовталаниб. – Хатдаги нохуш хабарни менга айтишинг керак.

– Оҳ, азизим Портия, – дебди Бассанио. – Бу ерда нохуш хабар ёзилган.

Хатда ёзилишича, Антонионинг олтига мол-мулк тўла кемаси денгизда ҳалокатга учраб, бор бойлиги сувга фарқ бўлибди. Бу ҳали ҳаммаси эмас экан. Антонионинг дўсти Лорензо Жессика билан қочиб кетгач, Шайлок Антониодан баттар нафратлана бошлабди. У қизини ва пулини йўқотганидан шунақанги жаҳли чиқибдики, кўчама-кўча кезиб оҳ-фарёд қилаётганмиш: «О, қизим! О, пулим! О, зеб-зийнатларим! Адолат, адолат! Қизимни, пулимни топиб беринглар!» Антонионинг барча кемалари фарқ бўлганини эшитганида эса, у жуда суюнибди: ана энди у Антониодан ва бу мард савдогарни яхши кўрувчи одамлардан қасос олиши мумкин!

Шайлок Венеция герцоги олдига бориб, Антонио билан тузилган шартнома ва у имзо чеккан гаров хати ҳақида айтибди. Герцог ва бошқа савдогарлар Шайлокдан бундай ёвузларча қасос олишдан воз кечишини сўрашибди, бироқ у қулоқ солмабди.

– Антонио пулни тўлай олмайди, – дебди Шайлок. – Шунинг учун у ваъдасида туриб, менга бир фунт гўштини тўлов тариқасида бериши керак.

Отаси яхудий дўстларига Антонионинг қарз пулини йигирма баробар ундиргунча бир парча гўштини кесиб олишни афзал кўришини айтганини Жессика эшитган экан. Бассанио бу хабардан қаттиқ саросимага тушиб қолибди. У дўстини қутқаришга ҳаракат қилиш учун зудлик билан Венецияга қайтиб кетишга қарор қилибди. Портия меҳрибон ва олийҳиммат экан, шунинг учун у Бассаниони йўлдан қолдиришга уринмабди.

– Кел, ҳозироқ турмуш қурамиз, – дебди Портия. – Ана ундан кейин сен зудлик билан Венецияга жўнаб кетасан. Сенда бу қарздан йигирма маротаба қимматроқ тилла бўлади. Қарзингни тўла-да, азиз дўстингни бу ерга олиб кел.

Шундай қилиб, улар турмуш қуришибди. Тўйдан сўнг Бассанио ва Гратиано дарҳол Венецияга йўл олишибди. Улар етиб келганида суд энди бошланган экан.

Антонио шафқат сўраб овора бўлмабди. Сабаби у Шайлокнинг ўзига нисбатан нафрати шафқатидан устунроқ эканлигини билар экан. Қолаверса, эркак киши ўз лафзида туриши керак. Бўлмаса одамлар венециялик савдогарларни ноинсоф, деб ўйлашади.

Судда ҳакамлик қилаётган Венеция герцоги Шайлокдан шафқат қилишини сўрабди.

– Нега мен шафқат қилишим керак? – дебди Шайлок. – Мен Антониони ёқтирмайман.

– Ҳамма одамлар ўзи ёқтирмаган одамларини ўлдираверадими? – сўрабди Бассанио жаҳди чиқиб.

– Ҳамма одамлар ўзи нафратланган одамларни ўлдиришни истамайдими? – жавоб қилибди Шайлок аччиқланиб.

– Мен сенга Антонионинг қарзини икки баробар тўлайман, уни қўйиб юбор, – дебди Бассанио.

– Менга қарзининг олти юз баробарини таклиф қилсанг ҳам, барибир, мен ўз ҳаққим – бир фунт гўштни талаб қилавераман, – деб жавоб берибди Яҳудий.

– Сен қанақасига бошқаларнинг раҳм-шафқат кўрсатишларига умид қиласан, ўзинг бераҳм бўла туриб?! – сўрабди Герцог. Аммо Шайлок газабланиб айтибдики:

– Менга раҳм-шафқат керакмас. Мен адолат истайман. Менга бир фунт гўштимни беринг!

Қасос онлари жуда яқин қолганини сезиб, у ўзи билан олиб келган узун пичоғини қайрай бошлабди.

Аммо шу пайт Герцогга элчи бир хабар олиб келибди. Бошқа шаҳардан малакали ёш ҳуқуқшунос шу ишга ҳакамлик қилиш учун келган экан. Бироздан сўнг ўша ҳуқуқшунос ўз котиби билан кириб келибди. Иккаласи жуда ёш бўлиб, улар Герцогнинг ҳуқуқшунос дўсти ёзган илтимосномани топширишибди. Илтимос-

номада ёш ҳуқуқшунос бу ишни кўриб чиқишга ваколатли эканлиги ишонтириб айтилган экан.

Тез орада унинг донолиги Яҳудийга берган эҳтиёт-корона саволариданоқ аён кўринибди. Шайлок ва Антонионинг барча гапларини эшитгач, у Яҳудийдан шафқат қилишини сўрабди.

– Нега мен шафқат қиларканман? Қани, ўзинг айтчи? – бақрибди дарғазаб Шайлок. Шунда ёш ҳуқуқшунос гўзал нутқ сўзлаб, меҳр-шафқатнинг қадр-қиммати ҳақида Шайлокка тушунтириш берибди.

– Шафқат икки карра қадрли туйғу, – дебди у. – Бу туйғу шафқат кўрсатаётганни ҳам, шафқат кўраётганни ҳам бахтли-саодатли қилади. Буюк қироллар ҳамиша шафқатли бўлишган. Тангри Таоло ҳам меҳр-шафқатли зот. Шундай экан, ҳой Яҳудий, агар сен адолат сўраб турган бўлсанг, мен сендан шафқат сўраб турибман.

Шайлок бу гапларни эшитишни ҳам хоҳламабди. Унинг бутун фикри-хаёли қасосда бўлиб, Бассанио таклиф қилган пулни, гарчи қарздан ўн ҳисса кўп бўлса-да, олишдан қатъиян бош тортибди.

– Кел энди, Шайлок, – дебди ҳуқуқшунос босиқлик билан, – шафқатли бўл! Уч ҳисса пулни олгин-да, гаров қоғозини йиртиб ташлашимга ижозат бер!

Шайлок барибир кўнмабди. Шунда ҳуқуқшунос унинг даъвоси Венеция қонунчилигига кўра тўғри эканлигини тан олиб, башарти Яҳудий шафқат қилмаса, у ҳолда Антонио ўз танасидан бир фунт гўшт кесиб беришга мажбур эканлигини айтибди.

– Ҳакамликка доно киши келибди-ку! Оҳ, қандай доно ҳакам экансан, сенга роса қойил қолдим! – деб хитоб қилибди Шайлок ўзининг пичоғини яна қинидан чиқарар экан.

– Пичоққа тайёрлан! – дебди ҳуқуқшунос Антониога.

– Оҳ, қандай олижаноб ҳакам! Оҳ, қандай ажойиб йигит! – хитоб қилибди Шайлок.

– Қани, камзулингни оч! – дебди ҳуқуқшунос.

– Ҳа-ҳа, камзулини, юрагига яқинроқ жойини, ҳим-
матли ҳакам! – дебди Шайлок пичофининг ўткир тифи-
ни ушлаб кўрар экан.

– Бу ерда гўштни тортиб кўриш учун тарози бор-
ми? – сўрабди йигит.

– Тайёрлаб қўйганман! – дебди Шайлок.

– Жароҳатидан қон кетиб ўлиб қолмаслиги учун уни
муолажа қиладиган табибни чақирганмисан?

– Йўқ, – дебди Шайлок. – Бу ҳақда гаровда ҳеч нима
ёзилмаган!

Ёш ҳуқуқшунос Антониодан охирги сўзини айтиб
қолишини сўрабди. Антонио Бассаниога уни жуда
яхши кўришини ва унинг учун ўлаётганидан хурсанд-
лигини айтиб, видолашибди.

– Бу савдогарнинг бир фунт эти сеники, – дебди
ҳуқуқшунос Шайлокка. – Суд рози, чунки қонун шуни
тақозо этади.

– Гоят адолатли ҳакам! – дебди суюниб Яҳудий.

– Нақ юрагининг ёнидан мана бу гўштни кесиб оли-
шинг керак. Қонун шунга изн беради. Суд рози.

– Жуда тажрибали ҳакам! – дебди Шайлок. – Кел,
Антонио, тайёрлан!

– Тўхта-чи, – дебди ҳакам. – Яна бир гап. Бу гаров
хати сенга бир томчи қонни ҳам тўкиш ҳуқуқини бер-
майди. Бир фунт гўштингни олавер, аммо бир томчи
қон оқизсанг, бор мол-мулкингни ҳукуматга топши-
ришинг шарт.

Энди ҳуқуқшуносни мақташ навбати Гратианога
тегибди.

– Оҳ, қандай маҳоратли ҳакам! – деб хитоб қилиб-
ди у. – Эшитдингми, Шайлок, маҳоратли ҳакамнинг
гапини!

– Сен адолат истадинг, ана сенга адолат – дебди
ҳуқуқшунос.

– Ундай бўлса, – бақирибди Шайлок шоша-пиша, –
пулни бер, Бассанио. Айтганингдек, Антонионинг қар-
зини уч ҳисса тўла менга!

– Шошилма! – дебди ҳакам. – Сен аллақачон пулдан воз кечгансан. Сенга адолатдан бошқа ҳеч нарса керак эмас.

Охири, газабдан титраб-қақшаётган Шайлок Басаниога қарзга берган пулидан бошқа ҳеч нарса керакмаслигини айтибди. Бироқ ҳакам унга рад жавобини берибди.

– Биз ҳали тугатганимиз йўқ, – давом этибди у. – Шайлок, сен Яхудийсан. Венеция қонунчилигига кўра, Венеция фуқароси бўлмаган одам ҳақиқий фуқаросининг ҳаётига тажовуз қилса, ўлимга ҳукм этилиб, мол-мулки Ҳукумат билан жабрланувчига тенг тақсимлаб берилиши шарт. Сен Венеция фуқароси эмассан ва сен Антониони ўлдирмоқчи бўлдинг. Герцог ўзи сенга жазо тайинлаши керак.

– Мен сенга сен Антониога кўрсатган шафқатингдан кўпроқ шафқат қиламан. – дебди Герцог кўрқувдан дағ-дағ титраётган Яхудийга. – Мен сенга ҳаётингни бераман. Аммо сенинг пулинг Антонио билан Ҳукумат ихтиёрига ўтади.

Шундай қилиб Шайлок мағлуб бўлибди. Бор пули олиб кўйилганига қарши у судхўр нима ҳам қила оларди?

– Жонимни ҳам қўшиб олинглар! – деб бақирибди Яхудий аламзадалик билан. – Агар тирикчилигим воситасини тортиб олсангиз, бу жонимни олишингиз билан баробар!

Ёш ҳакам Антониога ўгирилиб, шундай дебди:

– Қандай шафқат кўрсата оласан унга, Антонио?

Шунда раҳмдил ва шафқатли Антонио бу хонавайрон бўлган қарияга ачиниб, мулойимлик билан:

– Менинг улушим ўзида қола қолсин. Аммо бир шартим бор. Вафот этганида бор мол-мулкени қизи Жессика ва унинг эрига қолдириши керак – дебди.

– Розимисан, Шайлок? Нима дейсан? – сўрабди ҳуқуқшунос.

– Розиман, – дебди Шайлок. – Ҳозир эса, кетишимга ижозат беринг. Ўзимни ёмон ҳис қиляпман. Менга

хужжатларни йўлланг, уларга имзо чекаман. Сўнг кекса Яҳудий суд хонасидан чиқиб кетибди.

Антонио ва Бассанио ақли ўткир ёш ҳакамга чуқур миннатдорчилик билдириб, Шайлок Бассаниога берган қарз пулини олишни илтимос қилишибди. Аммо ҳакам пулни олмасдан, улар тўлаган хизмат пули етарли эканини айтибди.

– Унда, муҳтарам сэр, – дебди Бассанио, – миннатдорчилигимиз рамзи сифатида бирор совғамизни қабул қилинг.

– Қўймадингиз, майли, – дебди йигит. – Мен мана бу бармоғингиздаги узукни оламан».

Бассанио дарҳол қўлини тортиб олибди. Чунки узукни Портия совға қилган бўлиб, уни ҳамиша тақиб юришга ваъда қилган экан. У ҳакамга узукнинг қиймати пастлигини айтиб, қимматлироқ узук сотиб олишга ваъда берибди.

Аммо йигит жаҳли чиққандек бўлибди.

– Сен менга қандай тиланиш кераклигини ўргатган эдинг, – дебди у. – Энди эса, назаримда, тиланчига қандай жавоб бериш кераклигини ўргатдинг. У Бассанио билан совуқ хайрлашиб, жўнаб кетибди.

Бироқ у кетгач, Антонио Бассаниони ҳуқуқшуносга ўз узугини беришга кўндирибди. Бассанио ҳам рад жавобидан афсусланиб, Гратианони ёш ҳакам ортидан жўнатиб, узукни унга беришини айтибди. Бечора Гратиано ҳам оғир аҳволга тушиб қолибди. Чунки Бассанионинг узугини ҳуқуқшуносга топшираётганида ҳуқуқшуноснинг котиби ундан ўзининг узугини – Нериссанинг тўй совғасини беришни сўрабди.

Шундай қилиб, Бассанио ва Гратиано ўзларига Антониони ҳамроҳ қилиб Бельмонтга қайтиб келишибди. Улар Портия ва Нерисса билан яна кўришиш хаёлида жуда бахтиёр экан-у, бироқ андак хавотирланишибди. Хотинлари уларнинг узуклари йўқлигини пайқашганларида нима деб жавоб беришади?

Портия Бассанионинг қўлига қараб дарров унинг узугига нима бўлганини сўрабди. У тушунтирибди. Бироқ Портия қаттиқ ранжибди. У ўзини кечиришини ўтиниб сўрабди. Антонио ҳам Бассаниода айб йўқлигини айтибди. У узугини Антонионинг ҳаётини сақлаб қолган моҳир ҳуқуқшуносга берганини айтибди.

– Қасам ичиб айтаман, у сенга берган ваъдасини бошқа ҳеч қачон бузмайди, – дебди Антонио.

– У ҳолда мана бу узукни унга беринг, – дебди Портия – ва айтингки, бунисини олдингисидан яхшироқ сақласин.

Бассаниони ҳайратга солган нарса – у берган узук ҳакамга берган узугининг айнан ўзи экан. Нерисса эса, Гратианога у ҳуқуқшунос котибига берган узукни қайтариб берибди.

– Ҳайрон бўлиб қолдинглар! – дебди Портия уларнинг эсанкираб турганига кулиб. – Мана хат. Уни ўқиб кўринг. Ундан Портия ҳуқуқшунос, Нерисса эса, унинг котиби эканлигини билиб оласиз.

– Сенмидинг ўша ҳуқуқшунос, мен сени танимабман-да? – ҳайрат билан сўрабди Бассанио.

– Ҳа, – жавоб берибди Портия. – Лорензо мен Венециядан яқиндагина келганимни тасдиқлайди. – У Антониога ўгирилиб, шундай дебди: – Сенга кутганингдан ҳам яхшироқ хушxabарим бор. Сенинг уч кемамг омон-эсон қирғоққа етиб келди. Пулларингга зиён етмаган.

Шундай қилиб, Бельмонтдаги бу уйда катта хурсандчилик бошланибди. Венециялик мард савдогар Антонионинг кўнгилчанлиги, мардлиги боис бошидан ўтказган кўргиликларининг охири мана шундай бахайр бўлибди.

ҚИРОЛ ЛИР

Иштирокчилар:

Қирол Лир

Гонерил, Реган, Корделия – унинг қизлари.

Олбани герцоги – Гонерилнинг эри.

Корнволл герцоги – Реганнинг эри.

Франция қироли, Бургундия герцоги – Корделияга уйланмоқчи бўлганлар.

Кент графи

Глоуцестер графи

Эдгар, Эдмунд – Глоуцестернинг ўғиллари.

Кўп йиллар аввал Лир исмли Англия қироли яшаган экан. У ўз мамлакатини донолик билан яхши бошқарибди. Лекин энди ўзи кексайиб, кучдан қолгани учун қироликни ёшроқ қўлларга топшириш вақти келганини фаҳмлабди. Шунинг учун тож-тахтдан воз кечиб, қолган умрини тинчлик-хотиржамликда ўтказишга қарор қилибди.

Лирнинг валиаҳди йўқ экан. Аммо Гонерил, Рейган ва Корделия исмли уч қизи бўлиб, ўз давлатини уларга барабар тақсимлаб беришни мўлжал қилибди. Гонерил ва Рейган турмушга чиққан экан. Гонерил Олбани герцогининг, Рейган эса Корнуолл герцогининг рафиқаси экан. Лир саройига икки меҳмон – Франция қироли ва Бургундия герцоги ташриф буюрган, уларнинг иккаласи ҳам Лирнинг кенжа қизи Корделияга уйланиш ниятида экан. Кекса қирол қизлари эрларининг ёрдами ва маслаҳати билан Англияни ўзи каби оқилона бошқаришни уддалашади, деб ҳисоблар экан.

Қиролигининг қай қисми қай қизига тегишини алақачон белгилаб қўйган Лир қарорини қизларига эълон қилишдан аввал ҳар бирига элчи жўнатиб, ҳузурига чақиртирибди-да, отасини қанчалик яхши кўришини сўрабди. Биринчи бўлиб тўнғич қизи Гонерил шундай жавоб қилибди:

– Мен сизни шу қадар яхши кўраманки, ота, бунга сўз ожиз! Сиз менга кўз нуридан, ҳаётимдан, эркимдан ҳам азизроқсиз. Ҳеч бир фарзанд ўз отасини мен сизни яхши кўрганчалик яхши кўрмаган!

Афтидан, қарилиги сабаб андак кўнгилчан ва ишонувчан бўлиб қолган қирол (Қирол, эҳтимол кекса ёшида бироз ожиз ва ақли заифлиги боис) бу гаплардан астойдил суюниб, унинг самимий эмаслигини англамабди. У Англия харитасини келтиришни буюрибди-да, қўли билан нуқиб шундай дебди:

– Мана бу чегарадан бу чегарагача барча ҳудудларга сени ҳукмдор этиб тайинлайман. Бу мулк сизнинг етти пуштингизга етади. Сўнг у Рейганга ўгирилиб шундай дебди:

– Бизнинг иккинчи қизимиз, муҳтарама Рейган нима дейди? Қани, гапиринг-чи?

Шунда Рейган ҳам опаси Гонерил каби носамимий жавоб берибди:

– Худди опамдек, менинг ҳам сизга меҳрим чексиз, - дебди у отасига. – Бироқ у менинг сизга бўлган меҳримнинг ярмини ҳам изҳор этолмади. Мен сизга хизмат қила олганимдагина ўзимни бахтиёр ҳис қиламан!

Кекса қирол унга меҳр билан табассум қилибди-да, бу қизига ҳам қиролигининг учдан бирини ҳадя этибди. Ниҳоят, у ўзининг суюкли кенжа қизи Корделияга ўгирилиб қарабди.

– Сен ҳам ўз улушингни оқлаш учун нима дея оласан? – сўрабди қизидан мулойимлик билан.

Корделия опаларининг гапларини эшитгани сайин дарғазаб бўлибди. Чунки, улар қироликдаги ўз улушларига очофатларча кўз тикишлари туфайлигина кекса қиролни ошириб мақташаётганларини яхши билар экан. Бу қиз отасини чиндан ҳам яхши кўрар ва ўзининг сидқидил меҳрини опаларининг муғомбирликларига қиёслашларига тоқат қила олмабди. Шунинг учун у бироз аччиқланиб жавоб берибди:

– Мен сизни кўп ҳам эмас, кам ҳам эмас, керагича яхши кўраман.

Лир унга ажабланиб қараб, қатъий огоҳлантирибди:

– Ўйлаб гапир, Корделия, бўлмаса катта бойликдан қуруқ қолишинг мумкин.

Аммо Корделия бамайлихотир жавоб берибди:

– Қиролим, сиз ота сифатида менга гамхўрлик қилдингиз, боқиб ўстирдингиз, меҳрингизни бердингиз. Шунинг учун сизга бўйсинаман, сизни яхши кўраман ва юксак қадрлайман. Агар опаларим ўзлари айтганларидек бошқа бировни эмас, фақат сизни яхши кўришса, улар нега турмушга чиқишган? Агар мен қачондир турмушга чиқсам, ўз севгим, мажбуриятим, ҳурмат-эҳтиромимнинг ярми эримга тегишли бўлади.

– Сен бу гапларни чин дилдан айтгансанми? – ҳайрон бўлиб сўрабди отаси.

– Ҳа, – дебди Корделия. «Ёш бўла туриб мунча кўрс бўлмаса бу қиз!» деб ўйлабди Лир маънос тортиб. Ўзини ҳамиша отасини жуда яхши кўрадигандек тутиб келган кенжа қизи, аслида, унга нисбатан бор-йўғи мажбурият ҳис қилаётганига Лирнинг ишонгиси келмабди.

Хафсаласи пир бўлган кекса қирол севимли фарзандининг кутилмаган гапларидан қаттиқ жаҳли чиқибди.

– Агар шу гапинг рост бўлса, – дебди у, – майли, шу рост гап сенинг сепинг бўла қолсин. Мендан бошқа ҳеч нима олмайсан. Кулиб турган катта қизларига ўгирилиб, қироликнинг Корделияга тегишли улушини уларга бўлиб берибди. – Сенга тегишлиси шуки, – дебди у Корделияга аччиқланиб – Мен сендан бутунлай воз кечдим. Сен энди менинг қизим эмассан!

Қирол Лирнинг мулоҳазали ва садоқатли мулозими – Кент графи бор экан. У қиролдан ўз аҳдидан қайтишини сўрабди. Аммо Лир унинг гапини чўрт кесибди.

Қизгин баҳсдан сўнг Кентга саройни буткул тарк этишни буюрибди. Шунда Кент ёлғиз, бечора Корделияни ўз ҳимояларига олишини худоларга илтижо қилиб, саройни тарк этибди.

Шунда Лир Корделияга уйланмоқчи бўлган икки олийнасаб меҳмон – Франция қироли ва Бургундия герцогини чақирибди.

– Ана у! – дебди Лир Корделияни кўрсатиб. – Унинг бор сепи менинг қарғишим бўлди. У энди қиролигимнинг ҳеч бир қисмига меросхўр эмас. Шу аҳволда ҳам унга уйланишни истайсизми?

Бургундия герцоги қиролдан Корделияга қироликнинг тегишли улушини беришини сўрабди. Рад жавобини олгач, унга уйлана олмаслигини айтибди.

– Омон бўлсин, Бургундия! – дебди Корделия. – Модомики у ўзимни эмас, давлатимни севар экан, унинг хотини бўлмайман.

Франция қироли бошқача жавоб берибди.

– Оқила Корделия, – дебди у мулоимлик билан. – сен камбағал бўлсанг-да, аслида, энг бойсан. Мен сени фазилатларинг ва гўзаллигинг учун яхши кўраман. У Лирга ўгирилиб, шундай дебди. – Қирол, толеимга битилган шу бир чақасиз қизингиз бизнинг, гўзал Франциянинг маликаси бўлади.

– Уни олиб кет! – жавоб қилибди Лир. – Зеро у бундан буён менинг қизим эмас! Майли, у сеники бўлсинда, қайтиб унинг юзини кўрмай. Жўна, мен сени ўз меҳримдан ҳам, дуойимдан ҳам маҳрум қилдим.

Корделия опалари билан хайрлашар экан, кекса оталарига ғамхўрлик қилишларини улардан сўрабди. Опалари эса, жонкуярлик билан унга ўз эрига ғамхўрлик қилишини, лекин ўзларига фарзандлик мажбуриятларини ўргатишга уринмаслигини айтишибди. Шундай қилиб, Корделия Франция қироли билан саройни тарк этибди. Аммо у опалари отасига яхши қарамасликларидан кўрқиб, отасининг тақдиридан қаттиқ хавотирланибди.

Унинг хавотири бежиз эмаслиги тез орада тасдиқланибди. Кекса қирол ўз режасига кўра аввал бир қизи билан, сўнг бошқа қизи билан яшаши лозим экан. У «қирол» унвонини сақлаб қоладиган, юз нафар рицар ўзига хизмат қиладиган бўлибди. Дастлаб у тўнғич қизи Гонерил ва унинг эри Олбани герцогининг саройига ташриф буюрибди. У ниҳояти меҳмон бўлганидан кейин, қизининг хизматкорлари устидан ҳеч ваколати йўқ экан. Тез орада Гонерилнинг уни яхши кўриши ҳақидаги барча тантанали хитоблари ёлғон эканлигини англаб етибди. У отасининг кундалик талаб ва эҳтиёжларига мутлақо нописанд қарабди. Ўз хизматкорларига тўхтовсиз буйруқ бериб, улардан ҳар хил айб топаётгани, рицарлари ўзларини худди уй эгасидек тутишларини айтиб, бунда отасини айблабди. Гонерил хизматкорларига қирол ва унинг рицарлари билан қўпол муомала қилишларига изн бергани сабаб улар қиролнинг буйруқларини писанд қилмай, ўзларини эшитмаганга солишибди. Қария аввалига Гонерилнинг ўзига атайин эътиборсизлик қилаётганига ишона олмабди, бироқ кўп ўтмай қиролларга хос илтифот кўрсатилмаётганини тушунибди. Бечора қарияга ҳамма қаршилиқ қилаётгандек туюлибди. Ҳатто сарой масхарабози, қиролнинг кўнглини кўтариш учун ҳақ оладиган кулгили нусха ҳам, Корделия кетганидан бери унинг вақтини хуш қилмай қўйибди. Бечора Масхарабоз Корделияни жуда яхши кўрар ва соғинган эди.

Бироқ кекса қиролни ёлғизланиб қолишдан қутқармоқчи бўлган бир одам бор экан. У Кент графи бўлиб, саройдан бадарға қилинганида узоққа кетмаган ва ҳозирда оддий хизматкор қиёфасида саройга қайтган экан. У ҳеч ким танимаслиги учун қиёфасини ўзгартирган бўлиб, Лирга садоқат билан хизмат қилмоқчи эканлигини айтибди.

– Майли, – дебди қирол. – агар менга тушлиқдан кейин ҳам аввалгидай ёқсанг, қолишинг мумкин.

Шундай қилиб, Кент қирол ёнида қолибди-да, кўп ўтмай ўзининг Қиролга фидойилигини исботлаш имконига эга бўлибди. Гонерил хизматкорларидан бири қарияга кўпол муомала қилганида, қиролнинг жаҳди чиқиб, уни бир урибди. Бу нохуш ҳодиса Гонерилнинг газабини келтирибди. Бироқ (ҳозирда ўзини Каюс деб атаган) содиқ Кент графи қирол тарафини олиб, хизматкорни уриб йиқитибди.

Гонерилнинг отасига бўлган муносабати кун сайин ёмонлашибди. Отаси билан унинг юз нафар рицарларини боқиш ва бошқа ташвишларини истамаган қизнинг жоҳилиги кучайиб, отасини уйдан ҳайдашга қатъий қарор қилибди. Ўзининг қизига малол келаётганини англаб етган Лир, ниҳоят, унга қарата андуҳ билан дебди:

– Сен менинг қизиммисан? – У рицарларини чақириб, яна Гонерилга юзланибди. – Сени ортиқча безовта қилмайман. Менинг ҳали бошқа қизим ҳам бор. Аминманки, у менга меҳрибон ва ғамхўр. Мен Рейганнинг ёнига бораман.

Яхши ва хушфёъл, бироқ, афсуски, хотинининг хоши-иродасига қарши боришга журъати етмайдиган бўшаланг Олбани герцоги Лирдан сабрли бўлишни ўтишибди:

– Лордим, – дебди у. – Менинг айбим йўқ. Нимадан хафалигингизни билолмаяпман.

– Эҳтимол, – дебди Лир қизишиб. – Бироқ қизим менга бундай совуқ муомала қилмаслиги учун бу ерда ортиқ қолмайман! У Гонерилга ўгирилиб, аччиқ-аламли сўзлар билан қизини қарғабди-да, ўз гапларини шундай якунлабди: – Кўрнамак бола илоннинг тишидан ҳам ўткирроқ бўлар экан! Йўқол, даф бўл!

Рицарлари атрофига тўпланганида, Лир золим ва тошбағир қизи уларнинг ярмини тарқатиб юборишга улгурганини англабди. Энди унинг юзта эмас, бор-йўғи эллик нафар рицари қолган эди. Шундай қилиб, кекса қирол ўзининг эллик нафар рицари ва садоқатли

Кент графи (яъни Каюс) ҳамроҳлигида саройни тарк этибди. Бироздан сўнг уларнинг кетидан Сарой Масхарабози:

– Лир амаки, Лир амаки! Тўхтанг, масхарабозни ҳам бирга олиб кетинг! – дея бақирганича етиб келибди.

Лир иккинчи қизи Рейган ҳам Гонерилдек ўзига ёмон муносабатда бўлади деб ўйламасди. У Рейган саройига йўл олар экан, ташрифи ҳақида огоҳлантириш учун Каюсни нома билан аввалроқ жўнатибди. Аммо Каюс саройга етиб борганида маълум бўлибдики, Гонерил ҳам синглисига хат жўнатган экан. Рейган эри Корнволл герцоги билан саройда қиролни қабул қилишдан кўра уни тарк этишни маъқулроқ кўришибди. Улар Глоуцестер графининг қасрига кетишибди. Каюс изидан бориб, қиролнинг номасини уларга топширибди.

Номага жавоб кутаётганида Каюс ўша ўзи уриб йиқитган хизматкорни учратиб қолибди-да, Гонерилнинг уйида Лирга қилган қўполлиги учун яна бир мушт туширибди. Улар яна жанжал-тўполон қилишибди. Натижада Каюс ҳибсга олинди. Кекса қиролини яхши кўрувчи ва унинг хизматкорига зиён етишини истамайдиган Глоуцестер графининг эътирозига қарамасдан Корнволл герцогининг буйруғига биноан Каюс тахтакачга солинибди. Бу қадимги жазо усули бўлиб, унда маҳбус ёмон об-ҳаволи кунларда ҳам ташқарида оёқ-қўллари ёғоч синчнинг тешикларидан ўтказилган ҳолда сақланар экан.

Каюс тахтакачда туни билан ўтириб чиқибди. Эртаси кун тонгда Қирол Лир уни бундай аҳволда кўриб, хизматкори жабрланганидан жаҳли чиқиб, дарҳол Рейган ва унинг эри билан гаплашиб қўйгани Глоуцестер қасрига жўнабди. Лир фақат Глоуцестер графини топибди. Бироқ у ҳам узр сўраб, Рейган билан унинг эри сафардан ҳориб келгани, бунинг устига, бетоблиги учун Лирни кўришни истамаетганини айтибди. Бу Рейганнинг ўз отасига Гонерилдек қўпол

муносабатда бўлишининг биринчи аломати эди. Лирнинг ақли бовар қилмабди. Ниҳоят, Рейган ва Корнволл герцоги у билан кўришгани келишганида, у қизининг ўзига хайрихоҳлигига ишониб, дарҳол Гонерилнинг совуқ муносабатини арз қилибди.

Аммо бу қизи ҳам опасига ўхшаб бераҳм ва бемеҳр экан.

– Ўтинаман, ота, сабр қилинг, – дебди Рейган. – Опам сизга фарзандлик бурчини адо қилмаганини ақлимга сиғдиролмаيمان. Аминманки, унинг барча қилган ишларида жиддий сабаблар бўлган. Ўйлайманки, у айбсиз.

Лир газаб билан қизининг гапини бўлибди. Аммо қизи гапида давом этаверибди:

– Э, ота, сиз кексайиб қолгансиз. Сиздан ёшроқ ва донороқ одамлар бошқариб, йўл кўрсатишлари керак сизга! Гонерилнинг ёнига қайтиб боринг-да, ўз айбингизни тан олинг!

– Ундан кечирим сўрашим керакми ҳали? – деб бақарибди Лир. – Унга: «Қизгинам, мен кексайиб қолганман, кексаликда одам эпсиз бўлиб қолади, тиз чўкиб сендан кийим-бош, озиқ-овқат, кўрпа-тўшак беришингни ўтиниб сўрайман?» дейишим керакми ҳали?!

Аммо Рейган уни тушунишни истамабди. Қолаверса, Каюснинг оёқ-қўлига ким тахтакач солгани ҳақидаги саволига ҳам жавоб бермабди. Шу пайт катта қизи Гонерил бу ерга келиб қолибди. Рейган кекса қиролга катта қизининг ёнига қайтиши кераклигини яна уқтирибди.

– Мен ўз уйимда эмасман, – дебди у қиролга. – Ўзим бор-йўғи Глоуцестернинг меҳмони бўла туриб сизнинг кўнглингизни ололмаيمان-да.

Лекин қирол Гонерилнинг ёнига қайтишдан бош тортибди. У эллик нафар рицари билан Рейганнинг ёнида қолишини айтибди. Бунга жавобан Рейган фақат йигирма беш нафар рицарни қабул қила олиши-

ни, аслида, улар ҳам қиролга керак эмаслигини таъкидлабди. Ўз хизматкорлари отасига қарай олишини айтибди.

Ниҳоят, Лир ҳар икки қизининг ёвузлиги-ю очқўз-лигини яхшигина англаб етибди. У кўкка тавалло қилиб, ўзига куч-қувват ва сабр-бардош беришини сўрабди.

– Аҳволимни кўриб турибсизлар, о худолар, кексалик ва бахтсизликдан азият чеккан бир бечора қарияман, – дебди у. – Қизларимнинг зolimлигига бардошли бўлишни ва ўз жаҳлимни жиловлашни ўргатинг менга! Кўз ёшларим оқишига йўл қўйманг! – У икки тошбағир қизига кескин ўгирилиб, – Мени йиғлайди деб ййлаяпсизлар, – дебди. – Йўқ, мен ййгламайман! Ййглашим учун тўла асосларим бор, лекин ййглашимдан аввал юрагим минг пора бўлиб кетади. О Масхарабоз, бечора Масхарабоз! – дея ўзининг содиқ қизиқчисига ўгирилибди. – Юр, кетдик бу ердан. Назаримда, ақлдан озаётгандекман.

Шундай қилиб, у Масхарабоз ва Каюс билан бирга қасрни аста юриб тарк этибди-да, довулли тун бағрига сингиб кетибди.

Саргардон кезинар эканлар, Каюс кекса қиролни йўқотиб қўйибди. Энди қиролни қўллаб-қувватлайдиган фақат Масхарабоз қолибди. Ўзларига бошпана қидириб довул ичида роса кезишибди. Шаҳар чеккасидаги кенг сайхонликда шамол ва ёмғирдан ҳеч бир пана жой топа олишмабди. Кекса қиролнинг мияси карахтлашиб, танаси музлай бошлабди. Кучли изтиробдан қиролнинг эси огай дебди.

Узоқ ва машаққатли қидиришлардан сўнг, ниҳоят, Каюс уларни топиб, тунаш учун хароба бир кулбага бошлаб борибди. Бу пайтга келиб кекса қирол шу қадар эс-ҳушини йўқотибдики, довулни ҳам писанд қилмай қўйибди. Каюс уни кулбага киришга базўр кўндирибди. Ниҳоят, кулбага кирганларида, бу ер аллақачон банд этилганини, ўзини «Бечора Том», деб ата-

ётган ва «Том совқотди», дея бақириб, бемаъни қўшиқлар айтаётган бир тентак киши борлигини кўришибди. Хаёли ҳар томонда кезиб юрган кекса Лир «Бу бечора тентакка ҳам менингдек ёмон муносабатда бўлишган, шекилли?» деб ўйлабди.

– Икки қизингга бор-будингни топширганмидинг? – деб сўрабди ундан. – Сен ҳам охир-оқибат шу ерга келиб қолибсан-да?

Аслида, «Бечора Том» Глоуцестер графининг тўнғич ўғли – яхши ва садоқатли йигит экан. Укаси Эдмунднинг ёвуз бўҳтонлари туфайли уни ота уйдан ҳайдашган экан. Бахил ва шуҳратпараст Эдмунд Глоуцестер графлигига эга бўлиш мақсадида оталарини Эдгарга қарши қўйибди. Энди уйдан бадарға қилинган Эдгар ўзини таниб қолиб, зиндонбанд этмасликлари учун уст-бошини ўзгартириб, ўзини атайин телбаликка солаётган экан.

Глоуцестер графи Рейганнинг Лирга қилган муомаласидан уялиб, кекса қиролни излаб топиш учун шаҳар атрофини кезибди. Ўзининг йўқдигидан фойдаланган ёвуз Эдмунд отаси ва қиролга қарши режа тузибди.

Лир кулда яшай бошлагач, кўп ўтмай Глоуцестер графи уни топиб келибди. Граф қиролни Каюс ва Эдгар (ўз ўғлини танитай) кўмагида ўзининг қасри ёнидаги чорбоғига олиб борибди. Кейинроқ Каюс ўзининг Кент графи эканлигини маълум қилибди. Лирни яширинча Франция соҳилининг қарама-қарши томонида, Англиянинг жанубий соҳиларида жойлашган шаҳар – Довердаги ўз қасрига олиб борибди. Сўнг Кент графи Францияга сузиб ўтибди-да, Корделияга отасининг кўргуликлари, Гонерил билан Рейганнинг ёвузликлари ҳақида гапириб берибди. Корделия эри – Франция Қиролини Англияга қўшин жўнатиб, Қирол Лир учун жанг қилишга кўндирибди-да, ўзи қўшин билан бирга сузиб ўтиб, Доверга келибди.

Рейган ва Корнволл герцоги Лирга ёрдам берганлиги учун жазо тариқасида олижаноб Глоуцестер графи-

нинг кўзларини ўйиб олибди. Сўнг уни қасрдан қув-
гин қилишибди. Аммо ҳануз ўзини «Бечора Том» деб
танитаётган содиқ Эдгар отасини Доверга, Қирол Лир
хузурига бошлаб борибди. Бечора кекса қиролнинг
аҳволи аянчли экан: у ақлдан озгани сабаб уларни та-
нимабди. У алмойи-алжойи гаплар қилиб, бошига барг
ва гуллардан ясалган тож кийиб олиб, тентираб юрган
экан.

Корделияни дастлаб кўрганида қирол бу қизини ҳам
танимабди. Кейинчалик телбалиги секин-аста йўқола
борибди.

– Мен жудаям нодон ва ишонувчан қарияман. –
дебди у Корделияга. – Эс-ҳушим жойида эмас, деган
хавотирдаман. Мен сени танийдигандекман, тагин ик-
киланияпман. Яна ўша қўпол муомала қилишларидан
ҳадиксираб у атрофидаги одамларга хавотирли назар
ташлабди. – Устимдан кулманглар, – деб ўтинибди
улардан. – Эҳтимол, телбадирман. Лекин, ўйлашимча,
мана бу хоним менинг фарзандим Корделия бўлади.

– Худди шундай, отажон! – хитоб қилибди Корде-
лия отасининг, ниҳоят, ўзини таниганидан севинчи
ичига сифмай.

Аммо бахтиқаро қария катта қизларининг ёвузлик-
ларини эслаб, Корделия уни ҳали ҳам яхши кўришига
ишнолмабди.

– Мени яхши кўрмаслигингга сенинг асосинг бор!
Опаларингда эса, ҳеч бир асос йўқ эди! – дебди у.

Корделия ўзининг ягона орзуси отасини яна бахти-
ёр кўриш эканлигини айтибди. Шунда қирол мулой-
им дебди:

– Менингдек ақли ноқис кексани кечир-да, барча-
сини унут!

Ўзаро мурасасиз икки душман қўшинларининг
тўқнашиш вақти етиб келибди. Бир томонда Эдгар ва
Кент графи бошчилигидаги Француз қўшини, иккин-
чи томонда Олбани ва Корнвол герцоглари билан ёвуз
Эдмунд бошчилигидаги Инглиз қўшини. Гонерил ва

Рейган ўз эрлари билан келишибди. Бунинг бош сабаби улар Эдмундга яқинроқ бўлишни исташибди. Бу ёвуз ниятли йигит Англия Қироли бўлиш умидида экан. Шунинг учун у Гонерил ҳамда Рейганнинг кўнглини бараварига овлаб, охир-оқибатда улардан бирига уйланиш, шу йўл билан ярим қироликка эга чиқиш умидида экан.

Жангда, афсуски, Француз қўшини мағлуб бўлибди. Лир ва Корделия ёвуз Эдмунд томонидан асирга олинибди. Эдмунд уларни зиндонга ташлаб, Корделияни қатл қилиш ҳақида яширинча фармон берибди. Англиянинг ҳақли ворисларидан бири – Корделия унинг қирол тахтини эгаллашига тўсқинлик қилмаслиги керак, деб ўйлаган экан у.

Бу орада Англия қўшинининг қароргоҳида адоват ва зулм авжига чиқибди. Рейган эри жангда ҳалок бўлган заҳоти ўзининг Эдмундга турмушга чиқиш нияти борлигини эълон қилибди. Аммо Гонерил ғазаб ва рашк ўтида ёниб сингисини заҳарлабди. Рейган ҳам вафот этибди. Шунда энг катта нуқсон – иродасизлиги бўлган Олбани герцоги ёвуз хотинига қарши бош кўтарибди. У хотинини жиноятлари учун зиндонга ташлабди. Натижада хотини алам ва тушқунликка чидаёлмай ўз жонига қасд қилибди. Ниҳоят, ёвуз Эдмунд жангда акаси Эдгар томонидан қатл этилибди.

Кент графи бўлган барча воқеаларни Қирол Лирга айтиб берибди. Аммо қария бу хабарларни тушуниб етгани даргумон экан. Унинг ақли Корделиянинг вафотидан сўнг тагин панд бера бошлабди. Қарияни Корделиянинг жасади ёнидан олиб кетиш мушкул бўлибди.

– У бутунлай кетди! – дея афтодаҳол ўкириб йиғлабди у. – Энди қайтиб келмайди! Ҳеч қачон! Ҳеч қачон! Ҳеч қачон!

Шундай қилиб, кўнгли вайрон қария суюкли қизининг ёнига йиқилиб жон таслим қилибди. Саховатли Қирол Лирнинг узун умри мана шундай аянчли якун

топибди. Гарчи бор-будидан ажраган бўлса-да, бироқ унинг курашлари зое кетмабди. Ёвуз ва бераҳм икки қизи билан шуҳратпараст Эдмунд вафот этибди. Тожтахт Олбани герцогига ўтиб, у бутун Англиянинг қироли бўлибди. Кекса, кўр отаси вафотидан сўнг Глоуцестер графи бўлган Эдгар ва олижаноб Кент графи кўмагида Олбани герцоги мамлакатни донолик билан одилона бошқарибди. Натижада Англия яна бой ва осуда ўлкага айланибди.

БЎРОН

Иштирокчилар:

Просперо – ҳақиқий Милан Герцоги.

Антонио – унинг акаси, ўзини Герцог этиб эълон қилган.

Миранда – Просперонинг қизи.

Алонсо – Неаполь қироли.

Себастьян – унинг акаси.

Фердинанд – Алонсонинг ўғли.

Гонзало – ростгўй кекса зодагон.

Ариель – пари.

Калибан – қул.

Қадим замонда олис Италия деган юртда Просперо исмли Милан герцоги яшаган экан. У жуда доно ва ўқимишли киши бўлиб, юртини бошқаришдан кўра китобларга кўпроқ қизиқар экан. У сиёсий масалаларни укаси Антониога топшириб қўйиб, ўзи гаройиботлар ва сеҳргарликка оид китобларини ўқиб-ўрганибди.

Шунга қарамай Антонио акасига ҳасад қилибди. Токи Просперо Италияда қолар экан, уни доимо Миланнинг ҳақиқий герцоги сифатида қабул қилишади, деб ҳисобларди у. Антонио ўзи бу унвонга эришиш ниятида экан. Шунинг учун у Неаполь Қироли Алонсо билан ёвуз режа тузибди: улар Просперони юртидан узоқларга жўнатиб, Антонио унинг ўрнига юртни бошқарадиган бўлибди.

Бир бўронли тунда Просперо душманлари томонидан яширинча ҳибсга олиниб, денгиз соҳилига келтирилибди. Уч яшар қизалоғи Мирандани ҳам у билан бирга олиб келиб, икковини эски қайиққа ўтқозишиб-

ди. Антонио улар ўзлари билан ҳеч нарса – ҳаттоки егулик ҳам олмасликларини буюрибди. Эски қайиқ бўронли денгизда чўкиб, Просперо қизи Миранда билан сувга гарқ бўлишига ишончи комил экан унинг. Ҳамма акасини жуда яхши кўришини билгани боис Антонио уни Миланда ўлдиришга журъат қилмабди.

Аммо Алонсо қиролигидаги зодагонлар орасида Гонзало исмли бир олижаноб қария бор экан. У озиқ-овқат, иссиқ кийим-кечак, шунингдек, Герцогнинг китобларга бўлган меҳрини яхши билгани боис, Просперонинг бир қанча китобларини қайиққа яширинча жойлаб қўйибди.

Кичик қайиқни денгизга итариб юборишибди. У бир неча соат тўлқинлар узра ночор чайқалибди. Кичкинтой Миранда ҳали қўрқув нелигини билмагани учун у қайиқ тубида тинч ухлаб қолибди. Аммо Просперо улар яна қуруқликни кўра олишига гумон қила бошлабди. Ниҳоят, бўрон тўхтаб, денгиз тинчланибди. Эҳтимол бунга Просперонинг сеҳр-жодуси сабаб бўлгандир. Зеро у жуда ақлли бўлиб, сеҳргарлик илмини машқ қиларди. Эҳтимол марҳаматли парилар уларни кузатиб туришгандир. Нима бўлганда ҳам, тонг отганида олдинда бир орол кўринибди. Тез орада у қайиқни бошқариб, қумлоқ соҳилга етиб олибди. Омон-эсон соҳилга тушиб, ухлаётган Мирандани кўтарганча панароқ бир горга элтибди. Сўнг қайиққа қайтиб, ундаги кийим-кечак ва қимматли китобларини олибди. Ўша китоблар кейинчалик унга жуда асқотибди.

Афтидан, оролда улардан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Аммо орол мева ва сабзавотларга, ичимлик сувга бой ва ям-яшил экан. Просперо, қизи иккиси у ерда истаганича бахтли, тинч-осуда ҳаёт кечиришлари мумкинлигини ўйлабди. Қўп ўтмай оролда парилар ҳам борлиги маълум бўлибди. Шунда узоқ йиллар сеҳргарлик илмини ўрганганлигидан хурсанд бўлибди. Билими унга бу ердаги барча ғайриоддий мавжудот-

лар устидан ҳукмронлик ўрнатиш қудратини берибди. Уларнинг сардори Ариель исмли пари экан. Просперо Ариелни бир куни ўрмон кезиб юрганида тасодифан учратиб қолибди. Шу пайт дарахт ичидан чиқаётган оғриқли нидони эшитиб, сеҳри ёрдамида дарахтни икки бўлакка ёриб ташлашга муваффақ бўлибди. Дарахт ичидан чиройли, мўъжазгина пари ташқарига учиб чиққанини кўриб, таажжубдан донг қотиб қолибди.

Ўзини Ариель деб таништирган бу пари ўз кўрғилиklarини айтиб берибди. У ўн икки йилдан бери Сикоракс исмли ёвуз кампирнинг жодуси билан шу дарахтга тутқун экан. Сикоракс дастлаб оролга келганида Ариель ва бошқа парилар унга бўйсунитдан бош тортишган, жодугар кампир жазо тариқасида барчаларини шу дарахтлар ичига қамаб қўйган экан. Ҳозирда ўша жодугар кампир ўлиб кетган бўлиб, унинг хунукдан-хунук, ярми одам бўлган ўғли Калибандан бошқа оролда ҳеч бир кимса йўқ экан.

Просперо барча париларни ёғоч исканжасидан озод қилибди. Парилар миннатдорчилик билдириб, ҳар қандай буйруғини садоқат ва итоат билан бажаришга ваъда беришибди. Шундан кейин Просперо Калибанни излаб кетибди. У қўрққанидан горда яшириниб ўтирган экан. Аввал бу бечора маҳлуққа ўз илмини ўргатишга ҳаракат қилибди. Унга қуёш ва ой номларини ўргатибди. Егулик ва сув берибди. Юмшоқ муомала қилибди. Аммо Калибан овсар, ёввойи ва кўрнамак экан. Шунинг учун охир-оқибат Просперо уни ўзининг қулига айлантирибди. У сув ташиб, дарахт кесиб, кичик бир горда ёлғиз ўзи яшабди.

Шундай қилиб, Просперо қизи Миранда билан бу сеҳрли оролда париларнинг қўллаб-қувватлаши билан, одамдан кўра ёввойи маҳлуққа ўхшаш хунукдан-хунук Калибаннинг қулдек ишлатиб яшайверишибди.

Орадан ўн икки йил ўтибди. Миранда чиройли қиз бўлиб ўсибди. Шу ўтган ўн икки йил мобайнида у ота-

сидан бошқа ҳеч бир одам боласини кўрмабди. У Миландаги ҳаётини умуман эслай олмас экан. Сабаби улар Италиядан кетган пайтда қиз жуда ёш бўлган экан. Отаси бир пайтлар Милан Герцоги бўлганини ҳам билмас экан. У оролда яшашга кўникиб қолган бўлиб, бошқача ҳаётни тасаввур қилолмас экан.

Кунлардан бир куни қаттиқ бўрон турибди. Миранда қирғоқда пишқирган асов тўлқинлар билан шиддатли ёмғирнинг денгиз узра сепалаб ёғишини томоша қилиб турган экан, иттифоқо кучли оқим бир кемани қоя тарафга олиб кетаётганини кўриб қолибди. У даврларда ҳали пароход (буғ кемалар) яратилмаган экан. Кема елканлари шамолда йиртилиб, кучли тўлқинлар кема саҳни (палубаси)ни ювиб тушар экан. Миранда ҳаттоки бўроннинг кучли шовқин-сурони ичида ҳам денгизчиларнинг ёрдамга чақираётган овозларини эшитибди.

– Ҳалокат! Ёрдам беринг, ёрдам! Раҳмингиз келсин! – дея бақаришларини эшитган қиз кўрган-эшитганларини отасига айтгани чопқиллаб кетибди. Табиийки, у отасининг парилар ёрдами ва ўзининг сеҳргарлик илми билан кемани қутқаришидан умидвор бўлибди.

Бироқ Просперо денгизчиларнинг қисматларига унчалик қайғураётгандек кўринмабди. У Мирандага ҳаммаси яхши бўлишини ва кемага ҳеч қандай шикаст етмаслигини айтибди. У бўронни ўзи чақирган, бу билан кемадаги одамларни кўрқитишни кўзлаган экан. Бироқ уларнинг биронтаси сувга чўкмай, кема ҳам омон қолишини яхши билган экан.

– Нимага бундай қилаяпсиз? – сўрабди Миранда. – Бу одамлар сизга ҳеч қандай ёмонлик қилишгани йўқку?

Просперо маҳзун кулимсирабди.

– Кўп йиллар аввал улар менга катта ёмонлик қилишган-да, қизим, – дебди у мулойимлик билан. – Сенга бор гапни айтиш вақти келди. Сен мана бу тошга ўтир,

мен бошимдан кечирганларимни ҳикоя қилиб бермоқ-
чиман.

Шундай қилиб, Миранда отасининг пойида ўтириб-
ди, отаси эса, унга Миландаги ҳаёти ва нима сабабдан
улар ҳозир мана шу кимсасиз оролда яшаётганлари
ҳақида гапириб берибди.

– Мен ҳалиям Миланнинг қонуний Герцогиман, –
сўзини якунлабди у. – Мана энди душманларимдан
қасос оладиган фурсат келди. Уларнинг барчалари ана
ўша тўлқинларда чайқалаётган кемада. Неаполь қиро-
ли Алонсо қизини бошқа бир мамлакат қиролига узат-
ган. Ўша қирол уларни денгиз орқали Африкага олиб
келиш учун мана шу кемани ёллаган. Тўй ниҳоясига
етиб, улар энди Неаполга қайтмоқдалар. Қиролнинг
ўғли Фердинанд қиролнинг ўзи билан бирга мана шу
кемада. Менинг укам Антонио билан Қиролнинг ака-
си Себастьян ҳам улар билан бирга.

Просперо буларнинг барчасини ўзининг ғайритаби-
ий сеҳр қудрати ёрдамида билиб олган ва бўрон ҳосил
қилган экан. Ариелнинг ёрдами билан у кемани ша-
молда орол томон ҳайдаб келишини уюштирган ва
кема қояли қирғоққа урилиб, фалокат юз бергандек
кўриниши керак бўлган экан.

– Ҳеч кимга шикаст етмайди, – ваъда берди у қизи-
га. – Аммо улар жазосини олиб, иккимизга қилган ёвуз-
ликларига пушаймон бўлишлари керак.

Миранда отасига ишонар экан. Отасининг ўз ваъ-
дасини бузмаслигини яхши билар экан. Шундай қилиб,
у бўронни ҳаяжон билан томоша қилиб ётган кўйи ух-
лаб қолибди. Ана ўшанда Просперо Ариелни олдига
чақирибди ва яна бир иш қилиши кераклигини ай-
тибди.

Ариель тонг-саҳардан буён жуда безовта, беҳаловат
бўлгани боис қаттиқ ҳолдан тойганини айтиб, хўжа-
йинига ҳасрат қила бошлабди.

– Нима? Яна ишми? – дебди у. – Менга шу ишни
астойдил амалга оширсам, озодлик ваъда қилган эдин-

гиз, ёдингдами? Мана, кемани оролга олиб келдим, энди озод бўлмоқчиман.

– Ҳали вақти келгани йўқ-да, – дебди Просперо. – Сени даҳшатли тутқунликдан қутқарганимни эсингдан чиқардингми? Яна дарахтга тутқун бўлишни истайсанми? Агар менга тағин икки кун хизмат қилиб берсанг, ана ундан кейингина озодсан – истаган ёққа кетишинг мумкин.

– Бўпти, менинг олижаноб хўжайиним! – дебди мамнунлик билан Ариель. – Хўш, нима қилишим керак? Нима қилай, қани, айтинг!

Просперо унга денгиз париси қиёфасига кириши кераклигини айтибди. Фақат шарти шуки, ёлғиз Просперо уни кўра олиши, бошқалар эса, унинг овозинигина эшита олиши керак экан.

– Фердинандни бу ерга олиб кел! – дебди Просперо ва Ариель қиролнинг ўғлини излай кетибди.

Денгиз суви Фердинанднинг ёлғиз ўзини қирғоққа олиб чиқиб ташлабди. У кемадаги отаси ва бошқалар сувга фарқ бўлишди деган хаёл билан гам-гуссага ботиб ўтириб қолибди. Кутилмаганда бир сирли овозни эшитиб ўзини баттар ожиз-нотавон ҳис қилибди. Чунки овоз унинг отаси сувга чўкиб, денгиз тубида ётганидан хабар бераётган экан. (Бу Ариел ўйлаб топган совуқ ҳазил эди!) Бечора Фердинанд овоз келган томонга қараб юрибди. Овоз уни ўрмон оралаб олиб кетаверибди, олиб кетаверибди. Бу қандай гаройиб овоз бўлди? Ростдан ҳам бу сирли орол экан!

– Сирли овоз қаердан келаяпти? – ҳайрон бўлибди Фердинанд. – Осмонданми ё ердан?

Миранда Фердинанднинг улар томонга ўз оёғи билан юриб келаётганини кўриб ҳайрон бўлиб қолибди. У ҳеч қачон бундай барно йигитни кўрмаган, шунинг учун бу бир паримасмикан, деб ўйлаб қолибди.

– Йўқ, у пари эмас! – дебди Просперо қизига. – У ҳам худди бизга ўхшаб овқатланади, ухлайди. У ке-

мада эди. Ҳозир эса, отаси билан дўстларини қидириб юрибди.

Фердинанд юқорига қараганида Мирандани кўриб қолибди. У ҳам қизни одам боласи эмас, пари деб ўйлаб қолибди.

– Ўша ёқимли овозни таратаётган пари шу бўлса керак – деб ўйлабди у ва ўйлаганини сўрабди.

– Йўқ, мен пари эмас, худди сенга ўхшаган одамман – жавоб қайтарибди Миранда. Қиз айнан унинг тилида гапирганидан Фердинанд қаттиқ ҳайратга тушибди. Қизнинг мулойимлиги ва гўзаллиги йигитни ўзига мафтун қилиб қўйибди. Ўз навбатида, қиз ҳам йигитга ошиқ бўлиб қолибди.

Бу айна Просперо умид қилган нарса экан – унинг мўлжалича, Фердинанд ва Миранда бир-бирларини севиб, турмуш қуришга аҳд қилишлари керак экан.

– Бопладинг, Ариель! Мана шу ишинг учун ҳам сени озод қиламан, – деб ваъда берибди Просперо хушнуд кайфиятда. Бироқ аввал Фердинандни синаб кўриб, унинг Мирандага бўлган севгиси самимийлигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлибди. Шунинг учун Фердинандни душман, деб ўйлаётгандек унга жаҳл билан гап қотибди. Уни Просперонинг оролини эгаллаб, энди ўз ҳукмронлигини ўрнатмоқчи бўлаётган рақибликда айблабди. Фердинанд буни инкор қилибди. Миранда эса отасидан у бечора йигит билан бундай қўпол муомала қилмасликни ўтиниб сўрабди. Аммо Просперо қизининг гапларига қулоқ солмабди.

– Юр мен билан! – дебди у Фердинандга. – Сени асир олиб, қулимга айлантираман. Сенинг бўйнинг билан оёғингга кишан соламан. Сени қуриган илдизлар-у денгиз суви билан озиқлантираман. Қани, юр ортимдан!

Фердинанднинг жуда жаҳли чиқибди. Унга – кимсан қирол ўғлига, шундай муомала қилишса-я! Ахир, бу ҳақорат-ку! Қиличини яланғочлаб, Просперо билан жанг қилмоқчи бўлибди, лекин қимир этолмабди. Просперонинг сеҳр-жодуси Фердинандга қаттиқ таъсир

қилган экан, шунинг учун Фердинанд Мирандага бўлган муҳаббатига эришишнинг энг яхши йўли Просперонинг буйруғига итоат қилиш, деган қарорга келибди. Миранда эса, отасининг бу олижаноб йигитга қилган қўпол муомаласидан хижолат бўлибди.

– Қўрқма! – дебди у Фердинандга. – Отам аслида яхши одам. Ишонавер, у сенга зиён-заҳмат етказмайди.

Шундай қилиб, Фердинанд Просперонинг буйруғига бўйсуниб, гор томон кетибди. Бу ерда худди Калибандек дарахт кесиб, ёғоч ташишга мажбур бўлибди. Аммо у бу ишни бажонидил, ҳеч қандай нолинишларсиз бажарибди. Сабаби у Миранданинг ёнидалигидан мамнун экан.

Миранда эса, отасининг асл ниятини тушунолмабди. Фердинанд Неаполь қиролининг ўғли эканлигини била туриб бу йигитга қулдек муомала қилишга қандай ҳадди сиғди отасининг? Буни ўйлаганида қизнинг кўзларига ёш қуйилиб келибди. Бечора Фердинанд ўзи ўрганмаган оғир жисмоний меҳнатдан қаттиқ чарчанига ачинибди. Қиз ундан ёрдамлашишига рухсат беришини ёлвориб сўрабди.

– Отам ҳозир ўқиш билан банд. – дебди у. – Илтимос, фурсатдан фойдаланиб, бироз дамнингни ол! Камида уч соат ундан хотиржам бўлавер!

Аммо Фердинанд ишида давом этаверибди. Ишлай туриб, Мирандага уни қанчалар яхши кўришини айтибди.

– Кўнглим сенинг хизматингни тилайди, – дебди унга. – Мен сени деб мана шундай матонатли дарахт кесувчи бўлиб турибман.

– Мени севасанми? – сўрабди Миранда.

Фердинанд қизни қаттиқ яхши кўришини такроран айтиб, Неаполга қайтганлари заҳоти унга турмушга чиқишга ваъдасини олибди.

– Мен илгари отамдан бошқа ҳеч бир эркак зотини кўрмаганман, – дебди Миранда. – Энди менга дунёда сендан бошқа умр йўлдоши керак эмас.

Просперо Фердинанд билан Мирандага кўринмасдан уларнинг суҳбатини тинглаб турган экан. Фердинанднинг яхши инсон эканлигига ва Мирандага ҳамisha вафодор бўлишига ишонч ҳосил қилибди. Шундан кейин уларга кўриниш бериб, Фердинандга қараб жилмайибди.

– Агар сенга қаттиққўллик қилган бўлсам, бу азбаройи сенларнинг бир-бирингга муҳаббатингни синаб кўриш учун эди. – дебди у. – Ана энди мен қизимни сенинг ихтиёрингга ишониб топширишим мумкин, Фердинанд. Неаполга қайтганинг заҳоти унга уйланаверсанг бўлади.

Фердинанд билан Миранда бағоят хурсанд бўлишибди. Просперо иши борлигини айтиб, уларни ёлғиз қолдирибди.

Бу орада оролнинг бошқа тарафида аҳвол ачинарли экан. У ерда кемадаги қолганларни кучли тўлқин қирғоққа чиқариб ташлаган экан. Қирол Алонсо қаттиқ ҳолдан тойган, ўзини ўта бахтсиз ҳис қилаётган экан. Чунки ўгли Фердинанд сувга чўкиб кетди, деб ўйлаётган экан. Ўн икки йил аввал Просперога ёрдам берган меҳрибон қария Гонзало Фердинанднинг моҳир сузувчи эканлигини айтиб қиролини юпатишга ҳаракат қилибди. Денгизчилар у йигитнинг соҳил томонга шиддат билан сузиб кетаётганини кўришган бўлиб, Гонзало Фердинанднинг қуруқликка чиқиб олганига қатъий амин экан. Бироқ Алонсо хотиржам бўлолмабди. Чунки бир неча соатдан буён, назарида, бутун оролни кезиб чиққан бўлсалар-да, уни топа олмабдилар-да.

– Йўқ, йўқ, у кетди. У чўкиб кетди! – дебди қирол хомуш бўлиб. – Бошқа қидиришнинг фойдаси йўқ! Ўтириб, дам олайлик энди.

Просперонинг укаси Антонио ва қиролнинг укаси Себастьян ҳам бирга эдилар, барчаси ўт устига ўтиришибди. Ариель уларни муттасил кузатиб, атрофида ваҳима уйғотадиган кучли товушлар ҳосил қилибди.

Бундан ҳаммалари таҳликага тушиб қолишибди. Устига устак, улар қаттиқ чанқаган ҳам очқашган эканлар. Аммо ҳеч қандай егулик-ичгуликлари йўқ экан. Шунда Алонсо ва Гонзало палтолариға ўраниб ухлаб қолишибди.

Аммо ёвуз Антонио ҳали ҳам ўз маккорлигини қўймабди. Энди у собиқ дўсти Алонсони ўлдириб, ўрнига Себастьянни Неаполь қироли қилишни режалаштирибди. Мана, қулай имконият! Алонсо ва Гонзало бамайлихотир ухлаб ётишган экан. Жиноятга гувоҳ бўладиган ҳеч ким йўқ! Аммо Просперо ўзининг сеҳр-жоду қудрати орқали Антонио ва Себастьян қандай режа тузаётганини билар эди. У Ариелни аввало қиролни ҳимоя қилиш, қолаверса, бу маккорларнинг ўтмишда Просперо ва Мирандага кўрсатган шафқатсизлиги учун чин дилдан пушаймон қиладиган даражада қўрқитиб қўйиш учун жўнатибди. Ариель айна вақтида етиб келибди. Антонио ва Себастьян қўлларида қилич тутган ҳолда ухлаб ётган қирол тепасида туришган экан. Бирон зиён-заҳмат етмай туриб у Гонзало билан Алонсони уйғотибди.

Аммо қиролга ҳам сабоқ бўлиши, ўз қилмишлари учун жазо берилиши керак экан. Улар ҳайрон бўлиб турганларида қутилмаганда бир сеҳрли куй эшитилибди. Ариель ва бошқа парилар сеҳр-жодули қиёфаларга кириб, уларнинг кўз ўнгида гаройиб базм ташкил қилишибди. Аммо очиққан кишилар энди дастурхон атрофига ўтираман дейишганида, Ариель баҳайбат ўлаксахўр қуш шамойилига кирибди-да, дастурхон узра ваҳимали парвоз қилибди. Дастурхондаги нознеъматлар ҳам қандай сирли пайдо бўлган бўлса, шундай сирли равишда ғойиб бўлибди. Тасқара қуш қиёфасидаги Ариель Алонсо, Антонио ва Себастьянларга қарата:

– Сизлар уч ёвуз кимсасиз! – дебди. – Бошқа одамлар билан тинч-тотув яшашга ноқобиллигингиз учун мана шу кимсасиз оролга келтириб ташландингиз!

Ариель сўзида давом этиб, бу, аслида, Герцог Просперога нисбатан қилган жиноятлари учун жазо эканлигини ва уларни оролдаги ўлимдан фақат бир нарса қутқара олишини айтибди. Улар ўз қилмишларига астойдил пушаймон бўлиб, келажакда яхшилик йўлини тутиб яшашга ваъда беришлари шарт экан.

Дафъатан чақнаган чақмоқ ёғдусида Ариель кўздан ғойиб бўлибди.

Алонсо, Антонио ва Себастьянни қўрқув ҳамда ғамандуҳ ҳислари чулғаб олибди. Кейинги йигирма тўрт соат ичида кўпгина даҳшатли кўргиликларни бошларидан кечиришди. Бу кўргиликлар ўз қилмишларига берилган адолатли жазо эканига иқрор бўлишибди. Улар келажакда яхши инсон бўлишга онт ичишибди.

Ниҳоят, Просперо ўзининг сеҳрли кийимида улар олдида пайдо бўлибди. Бўрон бошланганидан буён жинояткорлар етарлича жазоландилар, деб ҳисоблабди у. Аввалига Просперони ҳеч ким танимабди. Аммо сеҳрли кийимини ечиб, асл қиёфасини кўрсатганида астойдил кечирим сўраб, ундан Милан Герцоги сифатида ортга қайтишини сўрашибди.

Просперо Алонсога ўтирилибди.

– Модомики менга герцогликни қайтарар экансан, – дебди у, – мен ҳам сенга шунга яраша яхшилик қиламан. Просперо уни ўзи учун узоқ вақтдан буён бошпана вазифасини ўтаган ғор оғзига олиб келибди. Ичкарига кўз ташлаб, у ерда Фердинанд чиройли бир қиз билан ўтирганини кўрган Алонсо жуда хурсанд бўлибди! Унга қиз Просперонинг қизи Миранда эканлигини айтишганида Алонсо қиздан ўтмишда отасига қилган адолатсизликлари учун кечирим сўрабди. Фердинанд бу соҳибжамол қизга уйланмоқчилигини эшитганида эса, у ўзини батамом бахтли, деб ҳис қилибди.

– Қўлларингизни беринг. – дебди Алонсо икки ёшга. – Кимки сизга яхшиликни раво кўрмаса, ўзлари умрларининг охиригача дард-у алам чексин.

Шу пайт садоқатли Ариель йўқолган денгизчиларни ўз қироллари олдига бошлаб келибди. Улар хабар қилишибдики, барча қўрққанидек, кема ҳалокатга учрамаган!

Эртасига барчалари Миланга қараб сузиб кетишибди. У ерда Фердинанд билан Миранда турмуш қуришибди. Просперо ўз халқининг хурсандиги йўлида яна герцоглик қила бошлабди.

Ариель кемани бўронлардан ҳимоя қилиб, Италияга қадар унга паноҳ бўлиб учиб борибди. Сўнг у бутунлай озод бўлибди.

МУНДАРИЖА

| | |
|------------------------------|----|
| Сўзбоши | 3 |
| Макбет | 6 |
| Юлий Цезарь | 18 |
| Жанжалкашнинг тийилиши | 31 |
| Венециялик савдогар | 46 |
| Қирол Лир | 58 |
| Бўрон | 71 |

Адабий-бадиий нашр

ШЕКСПИР ДРАМАЛАРИ

Муҳаррир
Нилуфар ЖАББОРОВА

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 28.12.2012 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоғи 2.625. Шартли босма тобоғи 4,41.
Гарнитура «Bookman Суг+Uzb». Офсет қоғоз.
Адади 2000 нусха. Буюртма № 289.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
Лицензия рақами: АI № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.
«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89;
Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс – 273-00-14; web-сайтими: www.yangiasr.uz
интернет-дўкон: www.yangidavr.uz e-mail: info@yangiasr.uz